


ЎЗБЕК
ХАЛҚ
ИЖОДИ



Ҳасанхон



КЎП ТОМЛИК



Айтувчи:

МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОД УҒЛИ ПУЛКАН

Нашрга тайёрловчи:
ОХУНЖОН СОБИРОВ

Гох ундай, гоҳ бундай, гоҳ у ёққа кетганидан, гоҳ бу ёққа кетганидан; создан, сўздан, ҳамма эсон-омон чиқсин қиши билан ёздан, халқ эшитаверсин айтган сўздан.

Ана энди Чамбил кундан-кунга мартабаси зиёд бўлиб, овозаси кетаверди. Буни Эрон подшоси, Фаранг подшоси, Ҳиндистон подшоси эшитиб, шу малол келаверди. Ана энди у подшолар маслаҳат қил юраверсин.

Раҳмат пари Кўйи Қофда қирқ табла қилган эди. Биринчи табласига Гул табла от қўйиб эди; Фиротни Гул таблага бойлаб қўяр эди. Сап амалдорларнинг оти турганини Эл табла дейди. Ана сарбозларнинг оти турганини Йўл табла дейди. Ана бойловга боқилган таблани Мўл табла дейди. Қирқ табласи бор эди.

Гўрўғлибек бир куни қирқ эшикли томига кириб, Аҳмадбек, Темирхон, Жигалихон(ни) йиғиб, маслаҳат қилиб, қирқ минг уйли қорақалпоқнинг каттаси Хидирали элбеги(ни ҳам) тортиб ол келди, димоғи чоғ бўлди. Уни илгари ҳамсоялари Хидирали элбеги дегувчи эди. Шу ҳангомада Хидирали элбеги ҳам бўлди. Кун хуфтондан ўтди. Ана майхўрлик қилиб: «Ҳай аттанг, ўртада бир косагул бўлмади-да», дейишди. Гўрўғли айтди:

— Ана, ё бир муллаваччалардан, ё бир бойваччалардан, ё бир бекваччалардан олиб келинса, ўтиришнинг айби бўлмайди. Опкелиб косагул қила қолинглар-да. Фуқаро маломат қилмасин,— деди. Шунда Гўрўғлибек токчадан созни олиб, чирсиллатиб чалиб, ҳан-

гома авжига келганда, ўтирган қора кўзларга қараб,
бир сўз айтаяпти:

Ёвда ўлган йиғит бўлар беармон
Бир шаҳарда бир [чиройли] ул борми,
Маслаҳат бер Гўрўғлига, Темирхон.

Аросат майдонда отни елайик,
Чўх савдони тарафларга солайик,
Қайси элнинг сулуви кўп, Соқибек,
Ўрталикка косагул қилайик.

Ёвмит элдан одамларни йиғдирсак,
Меҳрига ҳангома қип тўйдирсак,
Қайси элнинг сулуви кўп, халойиқ,
Ўрталикка опкеп майлар қуйдирсак.

Қарилар қўлга олар ҳассани,
Юракдан кетказсак ғаму ғуссани,
Қайси элнинг сулуви кўп, халойиқ,
Мажлисда қўлига берсак косани.

Тонг отгунча тинмай созни чертинглар,
Иншоолло, муддаога етинглар,
Ҳангомада бунда турган, қора кўз,
Қайси элнинг сулуви кўп, айтинглар?

Очилган боғларда гули гунчами,
Юракларда ғам кўп, дардманд анчами,
Қайси элнинг сулуви кўп, халойиқ,
Косагул қип қўяй сулув бачани.

Юракларда қайғу билан чермикан,
Мард йиғитга қувват берган пирмикан,
Шу мажлисда турган халқи халойиқ,
Ҳеч шаҳарда сулув бача бормикан?

Уйқу келса, уйга қараб қайтинглар,
Қай шаҳарда сулуви кўп, айтинглар?
Очилган боғларда борди(р) бодомлар,
Юракдан кетгай-да қайғуман ғамлар,
Қай шаҳарди одамлари чиройли,
Кўриб келсанг ростин айтгин, одамлар.

Буларнинг ҳаммаси деҳқон, қўй боқиб юрган чор-
вадор, элибой одам эди. Булар ҳеч жойни кўргани ҳам
йўқ эди, билмай турганлиги рост эди. Бу гапга жавоб
беролмади. Тешиклардан хотинлар пойлаб, гапни эши-
тиб турган экан. Энди гапни Юнус паридан эшитмоқ
даркор. Қошни дол қип, Гўрўғлига қараб, Юнус пари
бир сўз айтаяпти:

Хол ярашар дона-дона юзларга,
Мерганлар ёй отар кўлда ғозларга;
Кўрганимни бир-бир баён айлайин,
Чин сулувни айтиб берай сизларга.

Подшо хабар олар элнинг ҳолидан,
Гап чиқади чечанларнинг тилидан;
Кўрганимни бир-бир айтай сизларга,
Хабар берай Ваянганнинг элидан.

Боғ оралаб олма, анор отайин,
Кундан-кунга элни обод этайин;
Сўзима қулоқ сол, Чамбилнинг шоҳи,
Кўрган сулувимни сизга айтайин.

Очилар тоғларнинг кўклам даласи,
Гумбурлайди Бадбахт тоғнинг дараси,
Кўрганимни айтаверай мен сизга,
Ваянганда Темирхонди боласи.

Обод бўлгай, беклар, Чамбилнинг юрги,
Урушда кетади ботирнинг дарди,
Кўрган сулувимни сизга айтайин,
Айтган сулув Темирхонди фарзанди.

Мошо босса қистаб чиқар фаранг ўқ,
Ўзингиздан ҳар вақт мени(нг) кўнглим тўқ,
Кўрганимни айтаверсам мен сизга,
Ер юзида ундан сулув бача йўқ.

Охири кетади юракнинг доғи,
Сарғаймасин ҳеч одамнинг сиёғи;
Ваянганда битта сулув бача бор,
Сўзима қулоқ сол, гуркманнинг беги.

Юнус пари кўрган, кўрганин айтди,
Уни кўрган одам эсидан кетди.
Сулувлиги парилардан зиёдди,
Хон Ҳасан дер айтсам бачанинг оти.
Асли ўзи аслзода подшоҳи(р),
Унинг ўзи Темирхоннинг фарзанди,
Сулувлиги Юнусжондан зиёдди(р).

Ҳазил билманг, ўзбек беклар, сўзимди,
Ҳангомага тўрт қиламан кўзимди;
Хон Ҳасанни олиб келсанг бу элга,
Хон Ҳасанхон Чамбил элга лозимди(р).

Кўринган одамнинг кўкайин кесиб,
Баданларда мушку қалампир сасиб;
Хон Ҳасанни олиб келинг Чамбилга,
Бу давлатга Ҳасан бача муносиб.

Майдон-майдон бедов сайлаб елсангиз,
Ҳасан чопсон қошингизга олсангиз,
Ваянгандан хон Ҳасанни, подшоҳим,
Олиб келиб бунда маҳрам қилсангиз.

Ҳасанхон лозимдир Чамбил элига,
Раҳм айламай ўйланганнинг ҳолига.
Хон Ҳасанни опкелсангиз, подшоҳим,
Ҳасанхон лозимдир Чамбил элига.

Кўнгиллар бўп кетар охири равшан,
Елкага тақилса карк тери қалқон,
Хон Ҳасанни зўрлик қилиб опкелсанг...

Бориб туриб кўп урушлар қиларсиз,
Қиёмат савдо душманга соларсиз.
Ё ўларсиз, Темир юртда қоларсиз,
Худо зафар берса сизга, подшоҳим,
Ҳасанхонни бориб олиб келарсиз.
Ҳангомага сўнг косагул қиларсиз,
Хизматкордан сўнгман ёлчиб қоларсиз...

Кўп савобга, шоҳим, дохил бўларсиз.
Ваянгандан олиб келсанг Ҳасанни,

Ҳар мажлисда коса бериб кўлига,
Сардор қилинг опкеп Чамбил элига...

Одамлар бу сўзни эшитди, ҳуши бошидан кетди.
Бошқавотдан ўтириш қилиб, Гўрўғлибек косани кўли-
га олиб, қирқ йигит у вақтлари бўлгани йўқ, данги-
дастмойяни тўғрилаган йўқ. Гўрўғли одамларга қараб
бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сонг, бекларим, айтган сазога,
Гуноҳкорни подшо буюрар жазога;
Шу мажлисда турган хурди калонлар
Ваянганга юраверинг ғазога!

Юринг хонлар¹, ширин жонни сотамиз,
Йўллар юриб, кўп кунлар кетамиз;
Талабгоринг айрил энди ғазога,
Юринг, беклар, Ваянганга кетамиз.

Миниб олсак бедавларнинг белига,
Раҳм қилманг қизилбошнинг ҳолига,
Мининглар, бекларим, чин бедав отни,
Ёппа юринг Ваянганнинг элига...

Уликларни жўхоридай чатайик,
Оқ юзли, обрўли қилса оллоҳим,
Ҳасанхонни бориб олиб қайтайлик.

Қутулайик душманларнинг қаҳридан,
Булбул ханно² тортар гулнинг баҳридан.
Ботиринг айрилган энди, гўчқоқлар,
Опкелайик Ваянганнинг шаҳридан.

Бефарзанднинг йиққан моли таловди(р),
Билакларга солиб олинг жиловди,
Юринг, беклар, Ваянганнинг шаҳрига,
Миниб олинг захча кўзли бедавди.

Қим яхши, ким ёмон, карим билади,
Ақли йўқнинг қилган иши чалади(р).

¹ Асл нусхада «жоллар» ёзилган.

² Хандон.

Қора кўзлар, беринг менга маслаҳат,
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?

Мажлисда ўлмасни, ёронлар, сўзим,
Худойимдан борди беш вақти қарзим.
Борасизми, бормайсизми, бекларим,
Қандай бўлди сизларга айтган сўзим?

Ана энди бир-биринга қарашиб, «қандай гап бўлди»,
деб сўрашиб, Аҳмад сардор туғбоши, Темирхон бир сўз
айтапти:

... Боғ оралаб тоза гулдан терамиз,
Ўлмасак Чамбилда даврон сураимиз.
Маслаҳат шу энди сизга, подшоҳим,
Ҳеч қолмаси Ваянганга борамиз...

... Бу гапларга кўнгилларни чўгарма,
Отни тортинг Ваянганнинг элига.

Отни чопсак доим қуло-далага,
Тоққа чиққан кўзи тушар лолага.
От-анжомни энди чоқлаб олайик,
Юриш қилдик Ҳасанхондай бслага.

Ажал етса уруш куни ўлайик,
То ўлгунча сизга хизмат қилайик.
Кўнгилларни асло, тақсир, чўгарманг,
Бориб Ҳасанхонни олиб келайик,
Оп келиб Чамбилга сардор қилайик.

Ана энди Гўрўглибек димоғи чоғ бўлиб, Темирхон-
дан кўнгли тўлиб, ҳар тарафга қараб, кўнгли очилган
гулга ўхшаб, Соқибекка қараб, бир сўз айтапти:

Эшитгин, Соқибек, айтган додимни,
Олло кеткарсин юракдан дардимни;
Соқибулбул, қулоқ солгин сўзима;
Соқие, эгарла Фиркўк отимни.

Эгам солмасин-да қайғу-войимни,
Обод қилинг энди Чамбил жойимни;
Қаддингдан кетайин Соқи мирохўр,
Эгарлагин назаркарда тойимни.

Ҳамиша душмандан олсам лотимни¹,
Кимга айтай юрагимда дардимни?
Қаддингдан кетайин Соқибулбулим,
Эгарлагин назаркарда отимни.

Чамбилда Гўрўгли дейди ўзимни,
Райхон араб сарғайтирди юзимни,
Чилтон берган, Соқибулбул, созандам,
Эгарлаб келтиргин аспи тозимни.

Қарк гуркирайди сувсиз чўлида,
Раҳм айламанг ҳеч душманнинг ҳолига.
От-отингни эгарланглар, бекларим,
Ғазо қилдик Ваянганнинг элига.

Кўтаринглар баланд тоғдан туманди,
Нима бўлар-бўлмаслигим гумонди(р)!
Ғазо қилдик Ваянганнинг шаҳрига,
Лашкарбоши қилинг Ҳасан чопсонди!

Тегирмонда буғдой солар дўл бордир,
Чавандозлар кийиб олар чолворди.
Юринг, беклар, Ваянганнинг шаҳрига,
Лашкарбоши қилинг Ҳасан кўлборди.

Сўйлайдиган шоирларда тил борди(р),
Олдимизда неча қишлоқ, эл борди(р),
Қаддингдан кетайин, Соқи мирохўр,
Ияртириб олинг жами аскарди.

Қафян гўнин бичганни онг²
Уламан деб ваҳм тортмай,
Оғзидан дур сочганни онг!
Ғазога бориб кирганда,
Душманларни санчганни онг!

Юрагида йўқ армони,
Кўрганнинг кетар дармони;
Сулув қизни қучганни онг!
Тарафларни санчганни онг!

¹ Учимни.

² Олинг.

Қўрқоқ қолсин, ботир юрсин,
Борганлар душманни қирсин:
Мард айрилсин, номард қолсин.

Қурбон бўлсанг эр йнгитнинг бўйидан,
Буюрган ейди қиз халқини(нг) тўйидан.
Ҳамма одам қуллуқ, тақсир, дейишиб,
Барча турган беклар турди жойидан!

Худо раҳм айлагай полвон болага,
Кеча-кундуз бошини солиб бан(н)ога:
Қимматбаҳо абзаллардан кўтариб,
Бек Соқи жунади таблаҳонага.

Давлат турмас такаббурнинг бошида,
Шаҳид ўлганнинг ари¹ қўнар гўшига.
Қимматбаҳо яхши абзал кучоқлаб,
Соқибек борди Гиротнинг қошига.

Соқибулбул бориб вақтин хушлади,
Фиркўк бедав ўқраниб кишнади:
Икки сайис турар икки ёнида,
Бедаври таблада яланғочлади.

Қўрганлар қочирар ақлман ҳушни,
Сув обод қилади занглаган даштни.
Икки сайис турар икки ёнида,
Қулоғидан олди заррин ёлпушни.

Куйган одам шарт уради сонига,
Шоп туйганлар бўялади қонига.
Гулдан жўроп, тилла қошов қўлига,
Кетар бўлди Ваянганнинг элига,
Қошов урди бедавнинг бадаиғига.

Тамошайланг дол бедавнинг тонгини,
Мерганлар овлайди даштнинг онгини².
Рўмонни қозикдан олди бек Соқи,
Сийпаб олди баданидан чангини.

Фиркўк отни қиздай безаб шайлади,
Қулогини қайчилатиб ўйнади.

¹ Асл нусхала «харра» берилган.

² Ов.

Кийикдай ўйнатиб жонвор Фиркўкни,
Олиб келиб якка михга бойлади.
Тақсир, дейишиб сатта турган беклари,
Уруш анжомини опкеп тайлади.

Соқолини селдиратиб таради,
Дурбимон беклари дурбин қаради,
Ваянганга борар бўлди Гўрўғли,
Яхши салла чинғиллатиб ўради.

Чинни косаларга майлар қуйдирди,
Қозоқ тўй қилганда пойга қуйдирди.
Туркман элнинг сардорлари, беклари,
Яхши сарпо, яхши тўнлар кийдирди.

Давлатли одам мисли чўғдай жайнади¹,
Жасатда жон омонатни қийнади.
Пирлар берган камарини Гўрўғли
Чинғиллатиб хипча белга бойлади.

**Сарғаймасин ҳеч одамнинг сиёғи,
Уюлмасин ҳеч банданинг қовоғи.
Тақсирлашиб Гўрўғли атрофида
Йиғилиб туркманнинг сап туғдор беғи.**

Кўзлари қуралай, юзлари нурлар,
Дуо қилиб, қўл ёзиб қари пирлар,
Омин деди атрофида йиғилиб,
Дуо қилиб Евмит элда сардорлар.

Йиғинини кўрганнинг кўнгли жўшади,
Хизр кўрган одам узоқ яшади.
Йиғилишиб сатта ёшу қарилар,
Умрингиз узоқ бўлсин дейишади.

Юракдан кетгай-да қайғу-аламлар,
Таигриси қарғаган банда бўламлар,
Дуо қилиб панжарадан қарашиб,
Бадли, деди сатта қоши қаламлар.

Гапирса ўртайди ширин сўзлари,
Тонг юлдузга ўхшар икки кўзлари.

¹ Яшнади.

Омин дейишиб дуо қилиб кўшида,
Раҳмат, деди ҳурга ўхшаган қизлари.

Яхши одам бари подшоликка лойиқ,
Дарёда ғолтирар кемаман қайиқ.
Омин, деди дуо қилиб ҳақиға,
Омин, деди гала турган халойиқ.

Қишда эримайди тоғларнинг қори,
Оҳ тортса кетади юракнинг чери.
Ҳайрон қолиб Гўрўғлининг ишига,
Кўшида дуо қил ой Юнус пари.

Сайрайди саҳарда боғнинг булбули,
Майлиса сўйлайди шоирнинг тили;
Дуо қилиб Гўрўғлининг ҳақиға,
Дуо қилиб пирлар солган Чамбили.

Қимга айтар айролиқнинг ўтини,
Куйган қулнинг чиқиб кетар тутуни.
Бизлар қайтамыз¹, деб маслаҳат қилиб,
Қайтамыз, дер сардорларнинг хотини.

Элда кўпди(р) яхши одамнинг хотири,
Урушда айрилар йигитнинг ботири.
Фиркўк отнинг тизгинидан ета(к)лаб,
Олиб келаётир икки шотири.

Маҳрам гулдай яшнашади,
Ҳаммаси тақсир дейишади.
Йиғилишиб амалдорлар,
Юрак дарёдай тошади.
Битта қолмай йиғилишиб,
Ҳаммаси омин дейишади.

Гўрўғлини(нг) билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб, ўзбеки қил кулдирди;
Фиротни опкелиб икки шотири
Гўрўғлини Фиркўк отга миндирди.

Овозаси Хунхор, Фарангга етди,
Зилзиласи босиб Чамбил элатди.

¹ Қандай қиламыз.

Чаройна бошига кийиб Гўрўғли,
Ўрқиллатиб кийди пўлат совутди.

Томошайланг раззоқнинг қудратига,
Гулулалар солиб Чамбил юртига.
Ҳамма сардор, беклар чоппа-чог бўлиб,
Миниб олди ҳеч қолмаси отига.

Ана энди ҳамма беклар, сардорлар отнинг белига
миниб, ўлимни кўнглидан кўтариб, ўламиз деб асло
ғам емай, Гўрўғлибек Аскарбекка бир сўз айтапти:

Миниб олдиқ бедав отнинг белига,
Чидаб бўлмас тарафчилик хилига.
Омин денглар, сап мўсафид қарилар,
Талаб қилдим Ваянганнинг шаҳрига...

Талаб қилиб миндим Ғирнинг белига,
Ботирларнинг пўлат найза қўлига.
Омин денглар, гала турган халойиқ,
Мен жўнадим Ваянганга ғазога.

Обод бўлгай Чамбилбелдай шаҳар-а,
[Туркман эли] олсин ўзимдан баҳра;
Чин нияти ғазо дедим, отландим,
Омин дегин, селкиллаган Юнусжон.

Остимда кийикдай ўйнар от алвон,
Эғнимда қимирлар карк тери қалқон.
Кетар бўлдим Ваянганнинг шаҳрига,
Омин дегин, селкиллаган Юнусжон.

Хомни тузатади тоғнинг андизи,
Айтса соп бўлмайди чечаннинг сўзи.
Кўзларинг сурмали осмон юлдузи,
Омин денглар, Чамбил шаҳрининг қизи.

Олисан кўринар туянинг бўзи,
Гуркираса келар унинг овози,
Омин денглар, селкиллаган Чамбилнинг азизи,
Дуо қилдим Чамбилнинг соп сулув қизи.

Боққа кириб шамшати гул тергунча,
Чамбилбелда ўйнаб даврон сургунча,
Омин денглар дуо қинглар, халойиқ,
Дуода бўнг яна қайтиб кўргунча.

Отларга тақилган олтиндан овсар,
Минг балога дучор бўлсин душманлар,
Омин денглар яна қайтиб кўргунча.
Дуода бўнг, сатта хурди калонлар...

Баланд тоғда шоғирлаган тош энди,
Кўнгил дарё, қайнаб-қайнаб жўш энди.
Кетар бўлдим Ваянганнинг шаҳрига,
Ёппа-ёвлик, қора кўзлар, хўш энди.

Ана энди ҳамма турган одам йиғилиб, Юнус пари
кўшкенинг бошида ястиқни қўлтиғига ташлашиб, туг-
маси, мунчоғини чечиб, қорнини ялонғочлашиб, ҳазил-
лашиб у ер-бу ерини учалашиб, ҳангома-чақчақлашиб,
[шунда] Юнус пари Гўрўғлибекка қараб, дуо қилиб
бир сўз айтаяпти:

...Ёш бачаман, ақлимни шоширдим,
Айтмай сирни душманлардан яширдим,
Эсон-омон келинг Ваянган юрtdан...

Ҳар жойга борсангиз, мангайда меҳнат...
Ваянгандан келинг соғу саломат.
Гапирганда маза чиқсин сазодан,
Ёвга борган қутулгай-да қазодан.

Эр йигит қутулсин душман дардидан,
Ҳеч банда тушмасин минган отидан...
Саломат кенг Ваянганнинг юрtdан...

Анжомни, шотўрам, қўйма қўлингдан,
Ораласак боғда очилган гулларга,
Эсон-омон келинг Чамбил элларга.

Тамошайланг Юнуснинг ҳимматига,
Ер титрайди юрганда ҳайбатига.
Гала қизлар, келинчаклар, омин деб,
Омин деб, фотиҳа тортди бетига.

Душман тушмагай-да марднинг изига,
Олқорлар юради қуло-тузига.
Бола-чақа, катта-кичик омин деб,
Омин, деб фотиҳа тортди юзига.

Кўрганлардан кетди қайғуман ғамлар,
Хафа шўрли йиғлаб дийдасин намлар.
Йиғилишиб Чамбил элдан барча одам,
Омин деди барча турган одамлар.

Талаб қилди Ваянганнинг юртига,
Ҳар ранг одам Гўрўғлининг кетида.
Ёппа-ёвлик омин дейишиб фуқаро,
Омин деб фотиҳа тортди бетига.

Қулоқ соп Юнуснинг маъқул сўзига,
Қулон юрар сувсиз қуло-тузига.
Омин дейишиб ҳурдай қизлар, келинчак,
Омин деб фотиҳа тортди юзига.

Ана энди базўр ўн мингча бўпти аскар. Гўрўғлибек
қўргонда, энг ички дарвозада ҳар ёғида ёв келганда оти-
шадиган ўн етти жевахонаси бор эди. Ана шу қўру қўр-
хонанинг, тўпу тўпхонанинг калити доим шу Аскарда
турар эди. Чин оти Аскар эди. Лақаби Аскар эди. Ана
Гўрўғлибек ишонгандан панароққа олиб, яширинча бир
сўз айтаяпти:

Юнусжондан бўлгин ҳамиша қурбон,
Бул кўҳна дунёга ҳамма ҳам меҳмон;
Душманам кўп, асло сирни билдирма,
Мен келгунча эҳтиёт бўл, Аскаржон!

Аёлларга эркак кийим кийдиргин,
Сочларини тепасига туйдиргин,
Кундуз куни баландликка чиқариб,
Милтиқ бериб нишоналар қўйдиргин!

Урдадан, Аскаржон, бўлгин бохабар,
Гапирганда ҳангомада гап десин,
Сўзни сўзга катта қилса лоп десин;

Аёлларга эркак кийим кийгизгин,
Ҳар замонда чиқариб қўй баландга,

Дўст-душман ичда лашкар кўп десин;
Сипоҳигарлик ишлатгин, Аскаржон,
Ҳам элдан, ўрадан бўлгин бохабар.

Мен юрарман доим кеча-кундузда,
Ҳима десам сен ишонгайсан сўзга.
Анжом-асбобимнинг сенсан эгаси,
Ўрдани топширдим, Аскарбек, сизга.

Ана энди Гўрўглибек Аскарга топшириб, кўнглини
дилжам қилиб, кўринг Ваянганга жўнашини, Энди ўн
мингча одам билан ҳаммаси гулдай жайнаб, остида от-
лари ўйнаб, ганаси¹ бошига чўён қоплаган шол калта-
гини олиб, ганаси шопни чоқлаб, ганаси шохли милтиқ-
ни олиб, найза олиб, ганаси катта-катта тўқморбош
калтак олиб, ганаси сори олиб, кўринг бекларни чоппа-
чоғ бўлиб, Ҳасан якдаста билан Ҳасан чопсонни лаш-
карбоши қилиб, ана энди кўринг беклар (нинг) Ваянган-
га қараб жўнашини. Отни ўйнатиб, сувлигини чайна-
тиб, Ҳасан кўлбар, Ҳасан чопсоннинг қўлига жилов бе-
риб, Аҳмад сардорни туғбоши қилиб жўнаверди ерлар
булкиллаб:

Найзалари чўғдай жайнаб,
Бир-бирига беклар сўйлаб,
Омонат жонини қийнаб,
Олло деб беклар жўнади.

Мехтарага сув олишиб,
Чақмоғига қув олишиб,
Жамоатдан дуо олишиб,
Олло деб беклар жўнади.

Олма кўз бедав ариллаб,
Карк тери қалқон дириллаб.
Шамолда туғлар вариллаб,
Йўлбарсдай бўлиб гариллаб,
Худо деб беклар жўнади.

Бедавларни порқиллатди,
Юрган йўлларни чапг тутди.
Бир-бириман чақ-чақ қилиб,
Гўрўғли подшо йўл тортди,

Ўзбек подшоси жўнади,
Туркманнинг беги жўнади.

Қилич узангига тегиб,
От чопганда ширқиллатди,
Узангини ярқиллатди,
Жўнаб туркман элнинг беги,
Худо деб беклар йўл тортди.

Элида кўпди хотири,
Турганда борди шотири,
Ёв деганда ювонишиб,
Уруш деса қувонишиб,
Чопишмоқни соғинишиб,
Жўнади туркман ботири,
Жўнади ўзбек ботири.

Юрганда вақти хуш бўлиб
Кўнгиллар қайнаб жўш бўлиб,
Ҳасан чопсони бош бўлиб,
Худо деб беклар жўнади...

Раҳм айлаб беклар ҳолига,
Йўл юриб Хизр чўлига
Гоҳи тоғда, гоҳи чўлда,
Жўнаб Ваянган элига...

Ҳаммалари жонни сотди,
Жонларини фидо этди,
Гана ёруғ, гоҳ қоронғи,
Доим қисташиб йўл тортди.

Эгнида борди фаранги,
Эгарда борди заранги,
Гоҳи тоғда, гоҳи чўлда
Гана ёруғ, гоҳ қоронғи,
Худо деб беклар йўл тортди...

Ўн мингча лашкарни олиб,
Темир юртга ғазо қилиб,
Отни қистаб, жонни олиб,
Гўрўғлибек подшо бўлиб,
Туркман элдан, ўзбек элдан,
Бир озроқ навкар олиб,

¹ Гоҳиси, баъзиси.

Олло деб беклар йўл юрди,
Гўрўғли подшо йўл юрди.

Ширин жонларини сотди,
Бедав отларга тер қотди,
Кеча ётиб, кундуз юриб,
Ўттиз кун тинмай йўл тортди...
Темирхоннинг ҳудудига,¹
Гўрўғлибек ошиб кетди,
Доим қисташиб йўл тортди.

Ана энди Темирхон юртидан эшитмоқ даркор. Темирхоннинг Сахмон, Тўхмон деган вазири бор эди, Сахмоннинг маъниси шу эди: бир тунни қирқ тақсим қилиб, бир тақсимида ухлар эди. Кўп шинаванда эди. Шу ухламаган сабабидан Сакман-Сакман дегучи эди. Муновидай чўмични тўнтариб, ерга қўйиб, сопини қулоғига тикиб, ҳар тунда бир шуйтиб қарагучи эди; кунда бир қарагучи эди. Ана шуйтиб гапни Сакмандан эшитмоқ даркор. Кун ёйила чўмични қўйиб, ерга қулоқ солди. Гўрўғлининг ўн минг навқари бор эди. Ғиротнинг туёғидан ўн минг отнинг дубири чиқар эди. Ана Сакман чўмични қулоғидан айирмагандан кай² вазирлар, хизматкорлар, Темирхон подшонинг ҳаммаси йиғилиб, Сакманнинг олдига келиб, нима гап, нима гап деди, Шунда Сакман олдигаги одамларга, Темирхон подшога қараб, бир сўз айтаяпти:

Одамлар қилмасин шовур,
Қулоғим бўп қолди омур³.
Мен билмайман ким эканин,
Қулоғимга келди дувур.

Элингнинг қонин тўқади,
От айнида тўғади (р).
Қулоқ солиб ўзим билдим,
Отнинг дубири чиқади.

Яхши ишларни қилмадим,
Ешликкинамда ўлмадим;

¹ Чегара.

² Кейин.

³ Оғир.

Келади отнинг дубири,
Бежайин кўпди шовури,
Ўзининг кўпди говури,
Ким эканини билмадим.

Ийгланглар, қиёмат бўлди,
Очилмайин гуллар сўлди.
Дўст-душманин билмадим,
Оғир лашкар элга келди.

Қоронғи кунларни солар,
Ажали етганлар ўлар,
Келаётир оғир қўшин,
Саккиз кунда етиб келар.

Сўлдиради гунчаларни,
Қон қилади кўчаларни,
Ийглатади бачаларни,
Бўзлатади нечаларни.

Кўп лашкар келганга ўхшади,
Жонингни ҳийласин қилгин!
Дўст-душманин билмадим,
Кўп одам келганга ўхшади,

Нима деса кўп демасин;
Тарадуд қилиб қўймасин,
Пўлат довулни туймасин,
Ажал тўнини киймасин.

Заҳрини юртга ёймасин,
Ажаллиларни сўймасин,
Қўшинин юртга ёймасин,
Подшонинг кўзини ўймасин!

Кўп қўшин келган ўхшайди,
Эшитиб суяк шовшади¹.
Емон туя чўкиб ётди,
Уйланг ишлар қабоҳатди (р),
Юрганда отнинг дубири
Ерни қимирлатиб кетди.

¹ Қақшади.

Қулоғимни солдсам ерга,
Қоқ миям чайққалиб кетди.
Кўп лашкар келганга ўхшади,
Банди бўғинимм бўшади.

Кўнғироқларни чалинг,
Тараддудни дашарров қилинг.
Қиёмат бўлганга ўхшади,
Қизил гул сўллар ўхшади.

Сакмандан бу гапни эшитиб, Темирхон подшога ҳаро-
сат¹ тушди.

Қизилбош эмас эди, ўрис, мусулмон эмас эди. Ана шу
ҳар хаёл бўлиб юрар эди худждойи қайси эканлигин бил-
май. Ўзи кўп баҳодир, кўп зўрр одам эди Темирхон. Ана
энди Ваянган шаҳридан кўп одамни йиғиб, оғир лашкар
қилиб, фуқаросига қараб, бир сўз айтаяпти:

Одамларим, ёппа-ёвлиқ келинлар,
Йиғилишиб хўп иттифок бўлинглар,
Душман бўлса хўп савдони солинглар!
Ё қидириб келган бўлса ўзлари,
Олиб келиб кўп зиёфат қилинлар!
Яхши овқат(лар) олдига уйинлар,
Яхши сийлаб дастурхонлар ёйинлар!
Агар душман бўлиб келса шу одам,
Хўкиздайин мўнгираптиб сўйинлар!

Пиёдани, яхши отни елдилинг,
Душман бўлса, юрак-габағрин тилдилинг,
Кўзи чаппа бўлса менинг ўзима,
Битта қўймай, ҳаммасини ўлдилинг!

Душманнинг қонини сувдай тўкинлар,
Қолмаси олдига ёппа чиқинлар!
Тарафнинг қаддини доим букинлар,
Ёппа-ёвлиқ ҳеч қолмаси чиқинлар!

Душман бўлса қулатинлар лошини,
Қочиринлар миясидан ҳушини!
Карнай-сурнай тортиб ёппа чиқинлар,
Ҳеч қомаси кесиб ташланг бошини!

Меҳмон бўлса, олиб кенглар ўзини,
Душман бўлса, сарғайтиринг юзини!
Чапараста гирдин онглар айланиб,
Фаним бўлса ўйиб олинг кўзини;
Бойлаб келинг каттақонин ўзини!

Хушомад қилса ҳам, еманг тузини,
Қоронғи қинг қиши билан ёзини!
Эланганда эшитманглар сўзини!
Соп каттасин банди қилиб оп келинг,
Қалит билан бураб суғур кўзини!

Ана шуйтиб булар чоғланиб тураверсин. Энди гапни
Гўрўғлибекдан эшитмоқ даркор. Гўрўғлибек бу ҳам
одамларни йиғиб, Дониёр оталиқни, Бердиёрхўжани,
Сафо ўғли Чаққонни, Темирхонни йиғиб, Далачуқур
деган сойида бекларга қараб, бир сўз айтаяпти:

Уруш куни ажал етган ўлади,
Ажали етмаган эсон қолади,
Қаддингдан, бекларим, бергин маслаҳат,
Огайин¹, маслаҳат қандай бўлади?

Мен йиғлайман бир оллога дод-дод,
Обрўй топиб кетсак шуди(р) кўп давлат,
Халойиқ, маслаҳат қандай бўлади?
Маслаҳат бер Гўрўғлига, жамоат.

Эсонликда қилинг хайри саховат.
Душман савдо солмагай-да бенаҳат².
Навкарлар, маслаҳат қандай бўлади?
Гўрўғлига, баринг беринг маслаҳат!

Давлатимда баринг эсон юринлар,
Эсон-омон уйлариинги кўринлар!
Подшоҳингга маслаҳат бер, жамоат,
Ҳар тарафни чоғлаб-чоғлаб, кўринлар!

Қандай экан Ваянганнинг шаҳари,
Аввал бориб бир оралаб кўринлар!

¹ Ога-ини.

² Бениҳоя.

¹ Ваҳима.

Қандай экан Ваянганнинг шаҳари,
Бориб туриб паст-баландин билинглар!
Душманнинг юртидан хабар олинглар!

Кўп чопилса отдан чиққан тер борми,
Оҳ урганда юрагимда чер борми,
Унгу сўлда турган гала халойиқ,
Ваянганга бориб келар ул борми?

Ажалинг етганда ҳамманг ўласан,
Эсинг борда кўп гапларни биласан,
Жосуслик қайсинг қўлингдан келади,
Ваянганга қайсинг бориб келасан,
Темирхондан қайсинг хабар оласан?

Гап чиқади бек Соқининг тилидан,
Утиб келдик неча сувсиз чўлидан,
Унгу сўлда турган жами бекларим,
Хабар опкенг Ваянганнинг элидан!

Қизлар қарар экан очилган гулга,
Йигитлар ишқибоз сочи сумбулга.
Урушмасанг маслаҳат бер, бекларим,
Эмаса кетайлик, юринг, Чамбилга!

Ана энди ҳамма беклар биров-бировига қараб, бу хизмат катта хизматдир, бу хизматнинг уддасидан чиққан одам борсин, уддасидан чиқмаган одам мен бораман деб айтмасин, деди. Ҳар ким уддасидан чиққан одам борсин, деди. Хайр, деб Темирхон жойидан туриб, қўл қовуштириб, таъзим қилди. Соқибулбул жойидан туриб, банда фармонингман деб, кўнглини очиб, Гўр-ўғлига қараб, бир сўз айтаяпти:

Подшонинг бошида бор экан жиға,
Илдам отда борди (р) тилладан тўға.
Бориб келай Ваянганнинг шаҳрига,
Қора каллам сиздай бекдан садага.

Турна юзса тиниқ сувлар лойлансин,
Худоё душманнинг дасти бойлансин!
Унинг учун хафа бўлманг, подшоҳим,
Бир жонимиз сиздай бекдан айлансин!..

Афсар тоғда дейдилар ватанимни,
Қора каллам сиздай бекка худойи,
Пой тикдим сизга ширин жонимни.

Улмасам Чамбилда даврон сураман,
Уруш куни от ёлини ўраман,
Хизматга пой тикдим қора калламни,
Ваянган шаҳрига бориб келаман.

То ўлгунча сизга хизмат қиламан,
Дов тикдим, подшоҳим, қора калламни.
Ваянган шаҳрига бориб келаман.
Душманлардан бориб хабар оламан.

Ул десангиз ўлай, юр десанг юрай,
Нима десангиз амрингиз вожибдир,

Темирхонни бориб кўриб, келайин,
Сирин шаҳарини (нг) ўзим билайин,
Унинг учун хафа бўлманг, подшоҳим,
Мен Ҳасан чопсонғи маҳрам қилайин.

Булбул сайрар лола-гулнинг қўйнида,
Одамзоднинг фариштаси эйнида,
Чин сидқи дил сизга хизмат қилайин,
Бу хизматинг Соқибекнинг бўйнига.

Қалима чиқар бек Соқининг тилидан,
Хабар олинг бу лашкарнинг ҳолидан.
Бу хизматинг биздан бўлсин, подшоҳим,
Гап опкелай Ваянганнинг элидан.

Сўлдириб келайин боғда гулини,
Мен биламан бу элларнинг тилини.
Лойлаб келай бориб тиниқ кўлини,
Кўриб келай хон Ҳасандай улини.
Бу хизматинг бек Соқининг бўйнига,
Бориб келай Ваянганнинг элига.

Неча кун йўл юрдик сувсиз чўлида,
Беклар етди чин урушнинг мўлига.
Қора каллам бу хизматга худойи,
Бориб келай Темирхоннинг элига.

Ҳеч ким йўлиқмасин занги қаҳрига.
Урдак қўнар тиниқ кўлнинг баҳрига.
Бу хизматинг биздан бўлсин, подшоҳим,
Бориб келай Ваянганнинг шаҳрига!

Энди, баракалла, Дониёр оталиқ, Бердиёрхўжа, Те-
мирхон туриб: «Лекин бу хизматни Соқибек қилади,—
деди.— Шу кишидан бўлак одамнинг қўлидан келмай-
ди»,— деди. Ана энди Соқибулбул ўрталикдан туриб,
қўл қовуштириб, Гўрўғли подшога қараб, бир сўз айта-
япти:

Топиб келай Ваянгандан давоин,
Ишимни тиндирсам қилай ҳавоин.
Подшоҳим, тағина малол келмаса,
Опкетаман ўзим Ҳасан бобони.

Бадбахт тоғнинг бошин чолган туманди,
Худойим сақласа, банда омонди.
Тағина, подшоҳим, малол келмаса,
Маҳрам қип опкетай Ҳасан чопсонди.

Ҳасан чопсон ўзи илдам болоди,
Иш билмайди, қилган иши чалади.
Ияртириб кетай Ҳасан чопсонни,
Ўзи зўрдир, кўп ишларни қилади.

Анқовликдан билмайди ҳеч нимани,
Горатин чиқариб Ваянган элни.
Не иш қилса қўли билан қилади.
Ияртириб кетай Ҳасан бобони.

Ваянган шаҳрини бузиб келади,
Тилайман, подшоҳим, Ҳасан бобони.
Бу хизматим оғир хизмат, Гўрўғли,
Ҳасан бобомнинг қўлидан келади.

Тептак дема энди Ҳасан бобони;
Бу хизматинг оғир хизмат, подшоҳим,
Бу хизмат зўрнинг қўлидан келади.
От қўй десам, от қўяди, подшоҳим,
Ваянганни тўс-толқон қип келади.

Ҳар алвон қип гулдай қилиб жайнатай,
Ҳар тилларда бек Ҳасанни сўйлатай,

Девона қип олиб бориб қишлоққа,
Подшонинг олдига бориб ўйнатай,
Омонатдир танда жонин қийнатай.
Бу хизматинг бек Соқининг бўйнига,
Ваянгандан Ҳасанхонни оп қайтай.

Горат қип келайин бориб элини,
Қора қип келайин бориб ҳолини,
Қаландар қип ўзин Ҳасан бобони,
Излатайин Ваянганнинг элини.

Подшога бўлмайин ўзим гуноҳкор,
Хафа одам қадди бўйини букар.
Дийдаси намланиб, ёшини тўкар,
Мен Ҳасан чопсонни ияртиб кетиб,
Подшонинг олдида қилай қаландар.

Имо билан ҳар мақомда сўйлатай,
Ҳар тарафга туя қўнғироқ бойлатай.
Мен ияртиб кетиб Ҳасан чопсонни,
Айиқдай қип шоҳ олдида ўйнатай.

Ажаб ўзим [шу юртликдай] бўлайин,
Фириб жандаларин эғнима кийиб.
Ҳар алвонда ўзим сўзлардан сўзлаб,
Подшо олдида гўстамдай қип ўйнатай.

Дам соларман бек Соқининг ҳолига,
Ғоз қўнади вилоятнинг кўлига,
Мен бораман тил билмаснинг мўлига,
Сарка полвондайин қилиб ўйнатиб,
Горат солай бориб душман элига.

Бориб туриб банги-қанги бўлайин,
Бу хизматни мен сарамжон қилайин.
Бу хизматинг Соқибулбул бўйнига,
Ваянганни зер-забар қип келайин.

Ҳасанхонни олиб келиб, подшоҳим,
Ўрталикка мен косагул қилайин.
То ўлгунча ўзим банда фармонинг,
Чин сидқи дил бу хизматда бўлайин.

Ул десанг, ўлайин, ёт десанг, ётиб,
Ҳамиша вақтингизни хуш қилайин.
Қаландарлар қилиб Ҳасан чопсонни,
Ўйин қилиб Ваянганнинг шаҳрида,
Шоҳ олдида меҳмон бўлиб неча кун,
Ҳасанхоннинг ўзим ақлини олиб,
Балки ияртиб олиб келайин.

Бу хизматлар бек Соқининг бўйнига,
Тақдир қилган кирар ёрнинг қўйнига.
Савдо солай душманларнинг бошига,
Қойил бўлинг Соқибулбул ишига!

Мингта қўнғироқни тақиб чопсонга,
Темирхон олдида ўйин қилайин.
Хунарсиз деб хафа бўлманг, Гўрўғли,
Бориб Ҳасанжонни олиб келайин,
Чини билан сизман бирга бўлайин,
Хунарни кўрсатиб Ваянган элга,
Ғам еманг, Ҳасанни олиб келайин.

Ҳар ранг қилиб бу чопсонни, қўрқитай,
Девона қип Ваянганда ўқитай,
Томошалар бериб Ваянган элга,
Иншоолло Ҳасанни олиб қайтай.
Қойил бўлинг бек Соқининг ишига,

Тоғда ўлганнинг тулки эга гўшига,
Бек Соқини ҳеч айёрдан кам деманг,
Фирибман борай подшонинг қошига.

Пасти-баландини бориб билайин,
Фириб халтангни тўрвага солайин,
Ғам еманг, ғайратим кўпдир, Гўрўғли,
Ҳасанхонни ўзим олиб келайин!..

Майдон куни ўликларни чотайин,
Шунча сўзлар айтдик, тақсир, ўзимиз,
Айтганимни қилинг, энди кетайин!

Ана энди Соқибек шунча гапларни айтди; ҳамма ишонди айтган гапига; рост, деди. Гўрўғлибек Темирхонга қараб: «Даркорлигини олиб келиб беринглар» деб, бир сўз айтаяпти.

Евда ўлган баданлари бўлар қон,
Ҳар тарафга от чопилар ҳар алвон,
Нима деса айтганини қилинглар,
Айтганини чоқлаб бергин, Темирхон.

Нима деса, хайр пирим, денгизлар,
Тақсирлашиб хизматини қингизлар!
Нима деса айтганини чоқ қилиб,
Чоппа-чоқ қип тарадудни қилинглар!
Айтганини олиб келиб Соқининг,
Айтган нарсасини мавжуд қилинглар!

Оҳ тортганда юрак битган чермикан,
Саратонда тоғда ётган қормикан.
Катта-кичик, бунда турган халойиқ,
Сўраштинг айтган нарса бормикан?

Уруш бўлса от ёлини таранглар,
Майин дастор оппоқ қилиб ўранглар!
Нима деса, боринг Соқи олдига,
Бориб туриб даркорликни сўранглар!

Ҳамманг бориб теваракда бўлинглар,
Нима деса, тақсирлашиб қилинглар!
Жўнагунча ҳозир бўлиб олдида,
Айтган амрин вожиб дейишиб қилинглар.

Ана энди Ҳасан чопсонни айтиб келтирди. Ҳасан чопсонни айтиб келиб, минг қўнғироқни ғамлаб, ҳамма бошдан арқонни ўткариб, даркорли нарсаларни жамлаб, айтганини чоппа-чоқ қилиб, ҳар мақом тиллардан Ҳасан чопсонга ўргатиб, унга Соқибулбул:

— Менинг қўлимга қара; чиначоғимни кўрсатсам, ўйнайсан; манави қўлимни кўрсатсам, ашула қиласан; ўрта қўлимни кўрсатсам, тикка бўласан, манави қўлимни кўрсатсам, бақириб ашула айтасан; бош бармоғимни кўрсатсам, ора-чора биров билан жанжал қиласан; ана шу; менга қараб иш қиласан,— деди. Ҳасан чопсон минг қўнғироқни тақиб, соқолини тараб, бир ўйнади — ҳамма қойил бўлди.

— Энди қизигини Ваянган борганда кўрасиз, борганда томошасини кўрасан, ҳали қизиқ ўйинимни Ваянган-

да кўрасан, бесоқол кўрсам авжим келади, ундан кейин чиқараман қизигин. Мен кўп ашулаларни ҳам биламан ўзим,— деди.

Энди гапни Соқибулбулдан эшитмоқ даркор. Шу Соқибулбул гавҳар, дур, ёқут, зумрад тош таққан тожни бошига кийиб олди. Ана шундай қимматбаҳо чопонни ҳам устига кийиб олди. Шунга ўхшаган кавшини ҳам кийиб олди. Бир шундай қимматбаҳо тошни камарга тармаштирган; ана уни ҳам Соқибулбул белига бойлаб олди. Соқибулбулга ҳеч ким қарай олмади. Осмондан худди ой тушгандай бўлди. Ана энди Ҳасан кўлборнинг соқолининг ҳар уч жунига ҳар ранг ипакдан, пахтадан ўрди. Ана ажаб бир каштали ҳар турли соқол бўлди. Минг кўнғироқни айлантириб бойлаб, ўн одим юрди; ҳамманинг кула-кула ичаги қотиб қолди. Соқибулбул айтди:

— Бу ўйинда ўзган, чинда ўзар; янги қилаётган бир фирибим. Ҳали сизлар ҳайрон қолдинглар; ҳамма шуйтиб оғзи очилиб қолади,— деди.

Ана энди Ваянган шаҳрига жўнамоқчи бўлиб, Гўрўғлибек, ҳамма беклар қучоқлашиб кўришиб, бу хизматинг қалп хизмат турур деб, Гўрўғлибек худодан эсонлигини тилайман деб, бир сўз айтаяпти:

Душман кўпдир ақлимни шоширдим,
Оёғинга азизлардайин бош урдим.
Обрўй топиб келгин Ваянган элдан,
Бор, Соқижон, бир оллога топширдим.

Ёвни ҳайдаб неча тоғдан оширдим,
Уруш кунни кўнгилларим жўширдим.
Обрўй топиб келгин Ваянган элдан,
Бор, Соқижон, бир оллога топширдим.

Савдо тушса иш бўп кетар қабоҳат...
Келгайсиз, бек Соқи, соғу саломат.
Худоё душманга бўлсин аломат,
Етим деб подшолар қилди маломат...

Ваянгандан келинг соғу саломат,
Эсон-омон келсанг ўзима давлат.
Ўзбекда кўп бўлар меҳрман шафқат...
Ваянгандан келинг соғу саломат.

Ғазо деб келдинг Чамбил (нинг) элидан,
Ошиб келдинг Асқар тоғ (нинг) белидан,
Оқ юзли, обрўли бўлинг, бек Соқи,
Эсон-омон келинг душман элидан.

Худо хабар олсин жами қулидан,
Бугдой тушар тегирмоннинг дўлидан...
Эсон-омон келинг Ваянган элидан.

Ҳасан чопсон қуюндай филт-йилт этди,
Можаролар бўлиб туркманнинг юрти,
Гўрўғлибек бек Соқини ияртиб,
Ҳамма одам фотиҳа бетига тортди.

Подшолар камарни бойлар белига,
Ошиқ куяр ишқивозин ҳилига.
Таваккал қип Ҳасан чопсон, Соқибек,
Кетаверди Ваянганнинг элига.

Ана энди булар кетаверсин, энди гапни Ваянгандан эшитмоқ даркор.

Тўхмон тўри полвоннинг Темирхон подшога қараб айтатган сўзи:

Гўрўғли бир етим киши,
Ғам еманг ундан, подшоҳим;
Одамлар бўлса ҳамроҳим.
Ёвмит эли кичкина эл,
Талаб келай ўзим доим,
От чопмоққа чўллар қойғим.
Қаттиқ бўлмаса манглайим...

Ёвмит эл бачкина элди.
Тевараги чалчиқ кўлди (р).
Унинг учун ваҳим тортманг,
Ёвмит эл озгина элди (р);

Ҳазил эмас айтган сўзим.
Қарайди душманга кўзим,
Иўқ қилайин [ёвмитларни],
Ҳаммасига ёлғиз ўзим.

Тоғни чалган туманди,
Асли бермайман омонди.

Бунинг учун воҳим тортманг,
Йўқ қилай така туркманди.

Эл қорнини тўқ қиларман,
Сузоқ тошдан ўқ қиларман,
Хафа бўлманг бундан асли,
Гўрўғлидай етимакни¹,
Бир черткиман йўқ қиларман.

Оқизиб бераман ёшнини,
Чиқармайман товушини,
Кекирдақдан бўғиб олиб,
Опкеп кўрсатай бошини.

Қочқир отга қозиқ қилай,
Шошманг ўзим қизиқ қилай,
Гўрўғли деб воҳим тортманг,
Евмитларни йўқ қип келай.

Фуқаролар есин нонни,
Евмитда кечайин қонни.
Бунинг учун хафа бўлманг,
Йўқ қип келайин туркманни.

Тўкиб ташлай тарисини²,
Қириб ташлай барисини...
Ўзим эсон, воҳим тортманг, подшоҳим.

Ана энди Сахмон ҳаммага қараб, муртини тара
пол карсонда кўрганини айтди:

Лоилоҳо қудратига ҳазори,
Тушиб қопти етимакнинг гузари;
Кўринганни айтаверай, подшоҳим,
Етим эмас, Гўрўғлибек назари.

Нечовлар ёшнини тўккан эканди,
Душмайни қаддини буккан эканди;
Етим деманг, Гўрўғли назаркарда.
Энаси гўрларнинг ичида туғиб,
Азизлар ўғлим деб боққан эканди.

¹ Етимча.

² Тариғи.

Қизилбошнинг қочиради ҳушини,
Шақалларга торттиради гўшини.
Зор йиғлатар нечовларни Гўрўғли,
Кесиб ташлар душманларнинг бошини.

Кетказмайди душманларнинг дардини,
Ериб кетар бовирида ўтини;
Етим дема Гўрўғлидай полвонни,
Қаерда тарафдан олар лотини,
Етим дема назаркарда подшони.

Қон қилади Ваянганнинг тузини,
Елгон дема Сахмонингни сўзини.
Камситмагин Гўрўғлидай полвонни,
Яқинда кўрарсан, шошма, ўзини.

Сичқон уяни юз тилла (га) оларсан,
Қўрққандан кай ошна-билиш бўларсан.
Камситмагин назаркарда полвонни,
Гўрўғлиман ошна-билиш бўларсан.

Шошмасанг кўрарсан унинг ўзини,
Саргайтирар [элатингнинг] юзини.
Назаркарда подшони камситмагин,
Шошмасанг кўрарсан унинг ўзини.

Назаркарда Гиротини елдирар,
Бўри қўйларга чопгандайин қип.
Ўрларингни кўп ўликка тўлдириб,
Соғинсанг кўрарсан, шошма, ўзини.

Келиб қолар иккита-битта, якка,
Эсонликда сайр қилинлар чорвоққа;
Ғам еманг, кўрарсан ҳали ўзини,
Уликларинг силтаб отар фалакка.

Соғинсанг кўрарсан, шошма, ўзини,
Ҳар тарафга жовдиратар кўзингни.
Тўзон чолдиради қуло-тузингни,
Шошмасанг кеп қолар ҳали устингга,
Зор йиғлатар, Темир подшо, ўзингни.

Ана энди Темирхон подшо Тўхмон тўрини сардори
лашкар қилиб, шаҳардан далага чиқиб, эҳтиёт бўлинг-

лар, деди. Шаҳарни айланиб, уч тош йўлгача қоровул ташлаб, ишларингга маҳкам бўп турунглар, деб Тўхмон полвонга қараб, Темирхон бир сўз айтаяпти:

Ишларингга хўп эҳтиёт бўлинглар,
Нима десам айтганимни қилинглар,
Шаҳарни айланиб, чиқиб далага,
Душман кўрсанг ушлаб олиб сўйинглар.

Ўвмитларнинг билмаганин билдиринг,
Мурт-соқолин кўса қип чолдиринг.
Тухуми туркман бўлса ўвмитларни,
Битта қўймай ушлаб олиб ўлдиринг.

Ошна-билишларга хабар қилинглар,
Душман бўлса, уни талаб олинглар,
Хўп савдони бошларига солинглар,
Ў ўлинглар, банди қилиб келинглар.

Кўрмаган кунни бошига солинглар,
Қандай ўвмит бўлса ҳам халойиқ,
Қалласига муштлаб банди қилинглар,
Ҳаммасини опкеп зиндон қилинглар.

Гўшт битгани ириб кетсин,
Суяклари чириб кетсин;
Битта қўймай ўлдиринглар,
Така-туркман қуриб кетсин.

Бежой беринг таммасини,
Ўлдиринглар ҳаммасини.
Очиб энглар кўммасини,
Вой-войлатинг аммасини.

Суякларин ушатириллар,
Қора қонин жўшатириллар,
Ўлдирилган сўнг Гўрўғлининг —
Ўлигига тош отинглар.

Мезон кирса пишар қовун,
Шамолда чопондир ёвун¹,

Кўнглим қабарди Сахмондан
Сахмон Гўрўғлига товун¹.

Гирдин айланиб олинглар,
Тарафга савдо солинглар!
Бойлаб келиб ҳаммасини,
Барини зиндон қилинглар!

Чопонлари чириб кетсин,
Гўрўғлиси қуриб кетсин!

Кўрсатманглар элатини
Кўп қилинг воҳим — дардини!
Сўйиб ташланг Фиротини,
Синдиринглар қанотини!

Таланг Чамбил элатини,
Олдиндаги бекзотини...
Кўтаринглар ҳайъатини,
Танасида ғайратини!

Тўпи тўпхонани ортиб,
Қулатинг Чамбил юртини!
Ўвмитларни опкелинглар,
Опкелиб зиндон қилинглар!

Ҳар ким ўз жони учун қилар хайирди,
Давлатмандлар минар қорабайирди,
Темир подшо Гўрўғлининг дубирига
Кўп лашкар бирқиллатиб буюрди.

Оққан кўздан селобали ёш бўлиб,
Бир-бирининг меҳри ёмон тош бўлиб,
Ваянгандан лашкар чиқиб жўнади,
Тўхмон тўри полвон энди бош бўлиб.

Кўрқоқлар ўлдим деб ёшини тўкди,
Ботирлар найзани баданга суқди.
Ўзини билмаган Ваянган шаҳри,
Бирқиллаб кўп лашкар далага чиқди.

¹ Епин.

¹ Тобе.

Ана энди лашкар ҳамма ерни босиб, пилта тўқай-
дай сасиб, шаҳардан бир тош далага чиқиб, ҳар
тарафга қоровул, чиндовуллар қўйиб, эҳтиёт бўлинглар,
дейишиб ётаверди.

Гапни Гўрўғлининг лашкаридан эшитмоқ даркор.

Соқибулбул билан Ҳасан чопсон иккови йўлга ту-
шиб, кўринг жўнашини.

Ширин жонини сотди,
Юракдан кетди дарди,
Соқи билан Ҳасанбой,
Ваянганга йўл тортди.

Бир-бирига сўзлайди,
Қиши ёзни ёзлайди.
Соқибекман шу Чопсон
Ваянганни излайди...

Кўнғироқлар белига,
Чопсон билан Соқибек
Жўнайверди иккови
Ваянганнинг элига.

Ҳеч ким йўлиқмасин душман қаҳрига,
От чидамас ўткир қамчи заҳрига.
Соқи билан Ҳасан чопсон иккови,
Юриб кетди Ваянганнинг шаҳрига.

Йўл юргандан йўл юрди,
Гана ердан гул терди.
Номозгар бўлганда,
Битта шаҳарни кўрди.

Чўлларни тўзон чолди...
Соқибекман шу Чопсон,
Номозшом бўлганда
Икковлари дам олди.

Ҳар иккови дам олиб ётди, кечаси билан тинч, чў-
зилиб ухлади; эрта билан тонг отди, ўқитди номози
бомдодди, тонг отиб ёруғ бўлди; номоздан фориқ бўл-
ди. Ҳасан чопсоннинг бўйи узун эди; туриб ҳалиги

кўринган элга қаради. Кўринганнинг барисиви [кўриб],
Соқибекка қараб, бир сўз айтаяпти:

Чуқур ерда илдам отлар суринди,
Емон одам қизни кўрса уринди.
Сўзима қулоқ сонг, Соқибулбулим,
Тимрап¹ лашкар яқин ерда кўринди.

Худо деган айтганига етибди,
Навкарлар душманга ўқин отибди.
Кўриб туриб, ўзим ҳам ҳайрон қолдим,
Яқин ерда булкиллаб ёв ётибди.

Билдим, ўзимизнинг йўлни тўсибди;
Ўткир шоъларини белга осибди.
Қумурсқадай булкиллашиб кўп лашкар,
Олдимизда вағирлашиб ётибди.

Уйлаб турсам бир нечасин нони йўқ,
Ўзим кўрдим юзларининг қони йўқ,
~~Манин~~ оти ориқ экан, сони йўқ,
~~Ҳамма~~ ерни лашкар тутиб ётибди.
Булкиллаган бежайин кўп сони йўқ.

Йўл юрибмиз манави сувсиз дашига...
Ўзин одамлари бежой кўп экан,
Келиб қопмиз кўп лашкарнинг қошига.
Кўзим тушди бошидаги тожига,
Подшо одам қўяр элни божига.
Пок бўлмаса икковимиз, Соқижон,
Келиб қопмиз тарафларнинг ичига.

От чопилар ҳам баланди-пастига,
Бизлар келдик хон Ҳасаннинг қастига;
Оч кўзингни, тамошайла, Соқижон,
Келиб қопмиз оғир лашкар устига.

Ташлаб келдинг Чамбил элга муллангни,
Қўрққанингдан айтиб қўйма биллангни².
Келиб қопмиз кўп лашкарнинг олдига,
Бор бўлса, Соқибек, қилгин ҳийлангни,

¹ Қимирлаб маъносида.

² Биллоҳ — онт.

Чопилганда отдан чиққан тер экан,
Қишининг куни тоғда ётган қор экан,
Қўриб туриб қўрқай дедим мен ўзим,
Менга ўхшаган узунлари бор экан.

Сўзлаганда бунинг ўзи гап экан,
Ҳар нарсани бопга олса жуфт экан.
Қўриб туриб ҳайрон қолдим, бек Соқи,
Манави ётган лашкар бежой кўп экан.
Фирибингни энди ишлат, Соқижон,
Мададкоринг бўлсин у Шоҳимардон.
Келиб қопмиз оғир лашкар устига;
Бор бўлса ҳийлангни қилгин, Соқижон.

Ана шуйтиб, Соқибулбул бу гапларни Ҳасан чоп-
сонга айтди; насихатлар қилиб, ана кўзимга қараб иш
қилгин, деди. Соқибек энди бир сўз айтаяпти:

Қайтайин дунёси тушсин бепоён,
Ҳамма ҳам ёлғончи дунёга меҳмон,
Сўзима қулоқ сонг, Ҳасан чопсоним,
Келар гапни кўп ўйлагин бегумон!

Нима десам айтгангинамни қилгин,
Шол калтакни ичдан бойла Ҳасанжон,
Ҳар тарафга неча қараб сўйлагин,
Калтакнинг боғин елкангдан бойлагин.

Қўнғироқни мен тақарман ўзингга.
Қиздай бўп қошингни қоқиб ўйнагин,
Қошинг қоқиб, соқолларинг тишлагин,
Хафа бўлма, доим вақтинг хушлагин,
[Темирхоннинг] қишлоғига борганда,
Оёғингни аста-аста ташлагин!

Ҳар вақт келмас полвошларнинг қаҳари,
Қиш чиққан сўнг сочилади баҳори...
Дуби¹ йўлдир Ваянганнинг шаҳари.
Қошим қоқсам, ашула айт, бобожон.

Олисдан кўринар туянинг бўзи,
Худоё сарғайсин тарафнинг юзи:

¹ Узоқ маъносида.

Шу хизматни икковлашиб қилайлик,
Гўрўғлибек тузига бўлсин рози.

Ҳар тарафга ўзингизни елдирманг,
Очилмайин боғнинг гулин сўлдирманг.
Тирикдан наф, ўликдан зарар тегар,
Беҳайфага¹ одамни кўп ўлдирманг!

Тушимда қўлима қўнди бўз торлон,
Нечани қиларман ер билан яксон:
Ваянганда эҳтиёт бўл бу ишингга,
Одамни ўлдирманг зинҳор, бобожон.

Тирик одам ҳам гап берар, наф берар,
Ўлган одам ҳамсояга чап берар.
Неча ўйнаб элнинг вақтин хуш қилинг.
Бир кунлари ошна бўлиб наф берар!

Биров ўлса, қолган қовоғин уяр,
Қариндоши бўзлаб сочини ёяр,
Вой боврим, деб гулдай бетини сўяр,
Кўп ўйин қинг бизларга нафи тегар.

Қулоқ солинг Соқибулбул тилига,
Худо раҳм айлагай ҳамма қулига.
Жунни шалвиратиб қизиқ қип ўйнанг,
Келиб қолдик Ваянганнинг шаҳрига.

Ҳар ранг қилиб соқолларини ўрди,
Бу Ҳасан чопсоннинг кўнглини кўрди.
Айлантириб қўнғироқни бойлади.
Завқи келиб Соқибулбул кўп кулди.

Ўнгирини белбоғига бойлади,
Мен қандай, деб Соқибекка сўйлади...
Кула-кула ичи қотди Соқининг,
Мен қандай, деб жуда вақтин хушлади.

Қўнғироғин силкиб жаранглатибди...
Мен қандай, деб ўзини ўйнатибди.
Бу Ҳасаннинг шўхлигига бек Соқи,
Кула-кула ичи куйиб кетибди.

¹ Уринсиз.

Ана энди Ҳасан чопсон айтди:

— Йўловчилардан тортиб олган¹ қўшиғим кўп; ҳали Ваянганга боргандан кейин кўрасан. Ҳали мен Гўрўғлибекдан, сендан уялиб индай олмай юраман.

Соқибулбул айтди:

— Қойил бўлдим, тагин Ваянган шаҳрига борганда бизни душманларнинг ичига ташлаб қочиб келма.

Ҳасан чопсон айтди:

— Ғам ема, кунда учта пондан кам ема, худо хоҳласа, ўзим ишни ўнгараман. Қоч-қочга келса, менга етадиган жондор осмоннинг остида йўқ. Худо омонатини олмаса, неча савдоларингни ўзим осон қиламан, хумса одам ташлаб кетади жўрасини. Ботир киши ўлмай, жўрасини ҳамдамсиз ташлаб кетмайди.

Ҳасан чопсон Соқибулбулни елкасига миндириб олди. Соқибулбул кўкрагига оёғини ташлаб олди, тўртта соқолини тугиб, узангги қилиб олди, вақтини хушлаб олди, манглайдан ушлаб олди. Бир жойдан туриб, Ҳасан чопсон бир силкинди, минг қўнғироқнинг товушига осмон келиб ерга тушгандай бўлди. Темирхон подшонинг далага чиқиб ётган қўшинининг одамлари, отлари ҳуркиб қочаверди. Ҳайвондан зўр нарса бўлмас экан. Ганасини судраб, билакдан ўралгани, оёқдан қозиқ бовир тушиб ўралиб қолгани отларнинг судралувида ўлиб кетди. От битган бош олмай, ҳар тарафга қараб қочаверди. Бир хил қариялари: «Қочманглар, қочманглар,— деди.— Қиёмат бўлса, дажжол чиқади деб эшитувдик. Бу қўнғироқдан гумон қиламан. Дажжол бўлмаса, қўрқманглар. Дажжолни кўрадиган бўлдик»,— деди. Ана булар шу ерда дажжол келяпти, дажжол келяпти, деб тураверишсин. Энди гапни Соқибулбул билан Ҳасан чопсондан эшитмоқ даркор.

Соқибулбулнинг Ҳасан чопсонни миниб, бир сўз айтиб бораётганини кўринг:

Бир худо, оқизма кўздан ёшимни,
Яхши кўрдим сахар кўрган тушимни...

Баланд тоғдан дўнгалатдим тошимни,
Миямдан қочирма ақл-хушимни.
Ўлиб кетсам итлар тортар гўшимни,

Қалп хизматга келяпман, оллоҳим,
Яратган, ўнгаргин менинг ишимни!

Душвор ишлар Гўрўғлининг хизмати,
Фуқаронинг подшога кўп роҳати...
Бу ишлар Гўрўғлининг хизмати.

Тавба қилсам тўкилгайми гуноҳим,
Қорнимдан кетса қайғуман воҳим,
Ғойибона Гўрўғлининг хизмати,
Ишимни ўнгаргин, раззоқ оллоҳим!

Бориб терсам ёвғошиннинг гулини,
Чечанлар сўлатар қизил тилини,
Гўрўғлининг подшолигин ҳурмати,
Олиб қайтсам Темирхоннинг улини...

Душман тушар бедаватнинг кейнига,
Қумри сўзни айтар гулнинг қўйнида;
Таваккални қилиб Соқибек булбул,
Миниб олиб Ҳасан чопсон бўйнига.

Айтиб бораётир сўзин, мақолин,
Асло қилмай бу ишларнинг тақолин,
Худога суяниб энди бек Соқи,
Ўзанги қип шу Чопсоннинг соқолин.

Ҳақ эшитсин хизматкорнинг сўзини,
Хўжайин кўтарар етим нозини.
Баракалло, Соқибулбул, шу Чопсон
Оқлабди Гўрўғли берган тузини.

Обод бўлар охир Чамбилнинг юрти,
Худоё кетгай-да юракнинг дарди.
Бошларини ўлим ишга пой тикиб,
Баракалла, Гўрўғлибек йигити.

Кўкмак бўп қалтирар тоғнинг бодоми,
Охири кетар-да юракнинг ғами.
Неча ишга калласини пой тикиб
Бораётир Гўрўғлининг одами.

Йўлиқмасин яна душман қаҳрига,
Ҳар ким қариндошга, ўсган шаҳрига.

¹ Урганиб олган маъносида.

Баракалло, Соқибулбул, шу Чопсон
Бораётир Ваянганнинг шаҳрига.
Карклар гуркирайди қуло-чўлида,
Бу ўлимнинг чидаб бўлмас ҳилига.
Қора бошин икковлари пой тикиб,
Бораётир Ваянганнинг элига.

Хув тортади хонақоннинг дарвиши,
Ҳар савдога кўнар одамнинг боши.
Одам битган анграйнб қаради,
Чиқаётир қўнғироқнинг товуши.

Йигитни ўртайди сулувнинг сўзи,
Юлдуздан ҳам ўткир қараса кўзи,
Ваянганнинг эли тиклаб қараса,
Чиқаверди қўнғироқнинг овози.

Қўнғироқ товуши ерни тебратди...
Миниб олиб Ҳасан чопсон бўйнига
Чопқиллаб қўшиннинг олдига етди.
Дажжол келди, деб Ваянган эли,
Бола-чақа, катта-кичик қолмайин,
Шаҳардан далага чиқишиб кетди.

Ана энди дажжол келди, Ваянган шаҳри қиёмат
бўлди, озроқ воҳим тортиб, дажжолнинг қўнғироғин
томоша қилиб олайик, деб бари далага чиқаверди. Ана
энди ҳаммаси дажжол келаётир деб, йиғилишиб сар-
сон бўлиб келаётир. Ана Соқибулбул Ҳасан чопсоннинг
бўйнига миниб, бир сўз айтиб бораяпти:

Сарғаймасин ҳеч одамнинг сиёғи,
Сабил бўлмагай-да, эли чорбоғи.
Салом бериб чиқаверинг, Ваянган,
Келаётир Темирхон отасининг арвоҳи!

Бемаҳал сўлмагай боғларнинг гули,
Эгасиз бўлмасин ҳар кимнинг эли.
Келаётган подшонинг арвоҳи,
Йиғламанг, хушвақт бўлг, Ваянган эли.

Бир ўзидан амир бўлди,
Хотин битган хамир қилди.

Салом беринг, кенглар ҳамманг,
Арвоҳнинг подшоси келди.

Арвоҳ беради таммангни,
Уйда йиғлатар аммангни,
Бориб бирор нарса бермасанглар,
Арвоҳ уради ҳаммангни.

Келди подшонинг отаси;
Эр йигит тушмасин отдан,
Қутулмай қайғу-ҳасратдан,
Олло айтди, боргин, деди.

Темирхон подшо отаси
Бир кичкина ердан чиқди.
Тупроқ бўлиб гўрдан чиқди,
Ҳамманг қилавер худойи,
Ўзи узоқ ердан чиқди.

Боғдаги гулни термоққа,
Темирхон ўғлин кўрмоққа,
Келаётир арвоҳ подшо,
Элда кўп кун юрмоққа.

Темирхон подшоман гаплашиб,
Беш-олти кун ватанида
Болаларман ҳангама қип,
Уйда кўп кун турмоққа.
Аччиғи келса ўзининг,
Одам битганни қирмоққа,
Арвоҳнинг подшоси келди.

Қилимиши худога ёқиб,
Ўзи кулиб, қошин қоқиб,
Ўзи қип-қизил авлиё,
Худой мингта қўнғироқ тақиб,
Арвоҳ авлиёси келди.
Қўнғилнинг хаваси келди,
Дардингнинг давоси келди.
Қўрқманглар, салом бериб чиқаверинг,
Арвоҳнинг бобоси келди!

Тур деган жойда туради,
Темирхон ўғлин кўради;

Аччигини келтирсанглар,
Ваянган элни қиради.

Юракнинг хатоси келди,
Бу сўзнинг адоси келди.
Салом бериб чиқаверинг,
Подшонинг отаси келди.

Ширин жонларин сотади,
Қиёматдан келди амалдор бўлиб.
Неча усул ўйинларни
Ваянганда кўрсатади.

Аччиги келса ўзининг,
Элатни қириб кетади.
Димоғини чоғ қилсанглар,
Неча алвон ўйинларни
Подшога кўрсатади.

Аччиги келса арвоҳнинг
Зеру забар қилиб элни,
Харобат қилиб кетади.

Гўшт паловни чош қилинглар,
Юрган жойни дашт қилинглар,
Ҳар ўйинлар кўрсатади,
Жуда вақтни хуш қилинглар.

Яхши тўшакдан ташланглар,
Гўжадан товоқ чошланглар.
Арвоҳ бежой зўр арвоҳдир,
Бежой вақтини хушланглар;

Ҳамиша ўзим ҳамроҳиман.
Бу арвоҳнинг мен руҳиман.
Мен руҳларнинг подшосиман,
Қўрқмай келавер ҳаммангиз.

Мен руҳларнинг подшосиман,
Маслаҳат қип келаяпмиз.
Арвоҳ рози — худо рози,
Фотиҳанинг гадосиман.

Сизлардайин одам эдик,
Тоғлардаги бодом эдик.
Улиб туриб шундай бўлдик,
Биз ҳам сиздай одам эдик.

Ҳаммаларинг жонни сотинг,
Баринг муддаога етинг,
Ҳасанхоннинг отасига
Отанг келиб қолди деб,
Темирхон подшога айтинг!

Соқибулбул неча мақом сўйлади,
Ўтар дунё, қиёматни ўйлайди.
Салом бериб чиқиб шунча одамлар,
— Ўзимизнинг бобомиз экан,— дейишиб,
Ҳаммаси йиғилиб томошайлади.

Ҳасан чопсон келган тоғлардан оша,
Мард ўғлонлар душман билан савашар.
Ҳар ўйнайди Ҳасан чопсон жилвираб
Ҳамма халойиқлар қилди томоша.

Ғам билан сарғаяр куйганнинг юзи,
Қоши қора шу дарёнинг қундузи.
Ҳасан чопсон ҳар ўйнайди дингиллаб,
Шалдирайди қўнғироқнинг овози.

Ана энди подшонинг ҳамма хизматкорлари бўлса
бу Темирхон подшонинг отасининг арвоҳи экан, миниб
келаётгани бўлса, руҳи экан, бу ўзимиз билан қарин-
дош экан деб, ҳар қўнғироқнинг жаранглаганига чу-
нон димоғи чоғ бўлиб, Темирхон подшога суюнчига
кетди. Чопиб-чопқиллашиб, Темирхон подшонинг ол-
дига бориб, юраги ёрилишиб, «суюнчи беринг» деб,
подшога қараб бир сўз айтаяпти:

Отангиз ўлиб худога ёқибди,
Лабин тишлаб, қошларини қоқибди,
Келаётир отангизнинг арвоҳи,
Авлиё бўп мингта қўнғироқ тақибди.

Биз билмаймиз аллақандай чоғини,
Отангиз қилмиши худога ёқибди.

Бойнағидан яхши бўпти сиёғи,
Бежой ҳам ўхшабди бошдан-оёғи.
Қўнғироқлар тақиб бежой ўйнайди,
Келяпти отангизнинг арвоғи.

Бир кичкина нарсани билдириб,
Келаётир одамларни кулдириб,
Отангиз арвоғи авлиё бўлиб,
Рухгинасин бўйинга миндириб.
Подшоҳим, бизларга беринг суюнчи
Ҳамма одамни айтган ишга кўндириб.

Ҳар добилни қўлма-қўлга туйгин-чи,
Яхши тўнлар, яхши чопон кийгин-чи,
Шу қўнғироқ отангиз қўнғироғи,
Подшоҳим, беринг менга суюнчи.

Теваракда ҳамма берганини еб қолди,
Нима деса айтган гапни деб қолди.
Подшоҳим, ўзима беринг суюнчи,
Отангизнинг арвоқлари кеп қолди!

Юрган ери бўлсин боғ билан бўстон,
Кўрган одам бўлиб қолдилар ҳайрон.
Тамоша қип бўлди одамлар сарсон,
Подшоҳим, бизларга беринг суюнчи,
Пешвоз чиқсин бобосига Ҳасанжон!

Қойил бўлдик бобосининг ишига,
Фулғула бўп Ваянганнинг даштига.
Тақсиро, бизларга бергин суюнчи,
Ҳасан чиқсин бобосининг қошига.

Ана энди подшо:

— Ростми-ёлғонми?— деб сўради ҳаммадан, [бири] айтди:

— Ҳали-замон келиб қолади. Агар шу гап ёлғон бўлса, туққан эна урсин; сизирнинг орқасида яяриб юрган тана урсин, ўчоқда ёнган олов урсин, қозонда пишган палов урсин, шу гап рост...— Темирхон подшо бу гапга ишониб, фуқароларига қараб, бир сўз айта-япти:

Юракдан кетгай-да ғами-ғубор-а,
Қишнинг куни ётар тоғларда қор-а.
Тирилиб келса отамнинг арвоғи,
Ёппа-ёвлик чиқаверинг фуқаро.

Ҳаммаларинг қаддингизни букинглар,
Ўзр айтиб кўздан ёшни тўкинглар,
Қарнай-сурнай тортинг турган фуқаро,
Хотин-халаж, бола-чақа — ҳаммангиз
Отамнинг олдига пешвоз чиқинглар.
Гўрдан тирилиб келса отам шўр,
Отамизга ҳаммаларинг ёқинглар!

Ёқаси ҳўл йиғлаганнинг ёшига,
Рози бўлдим мен отамнинг ишига,
Битта қолмай чиқаверинг ҳаммангиз,
Ўзим ҳам бораман отам қошига.

Ваянган шаҳрида даврон сураман,
Ҳасанхоннинг қўш кокилин ўраман.
Ҳасанхонни тилла тахтга миндириб,
Отамнинг олдига мен ҳам бораман.

Яна келиб кўрса хонадонимни,
Отам кеп кўрса экан маконимни,
Кийим-кечак тўшаб қўйинг кўчага,
Бориб опкелайин отажонимни.

Шодиёна қўйдириб,
Ҳамма одамни Ваянгандан йиғдириб,
Қорсон тоғорага қимиз, бўза қуйдириб,
Битта қолмай яқин элни йиғдириб,
Ҳаммалари ширин жонини сотди,
Талатўп бўп қолди Ваянган юрти.

Юраклари энди қинидан чиқиб,
Отамнинг арвоғи келиб қолди деб,
Тоза кийим кўчаларга ташлатиб,
Одам битганларнинг вақтин хушлади.

Худди гулдай қилиб элни яшнатиб,
Одам билганни кўчада пўшлатиб...
Бу ишлар Соқибулбулнинг иши.

Арвоҳ келди, деди энди чувлашиб,
Осмонга чиқиб одамнинг товуши,
Панди фириб ёмон экан дунёда,
Шунча бўлди бек Соқининг ташвиши.
Отамнинг арвоҳи келиб қолди деб,
Темирхоннинг кетиб кўзидан ёши.

Карнай-сурнай тортилиб Ваянганда,
Қўнғироқни жанггиратди шу Чопсон.
Осмонга ўрнаб қўнғироқнинг товуши,
Бу талатўп билсанг, Соқининг иши.
Шунча бўлди бир ҳийланинг ташвиши,
Шунча ишни қилган, билсанг, бир киши.

Ёвда ўлган баданлари бўлар қон,
Шунча одам элда бўлади сарсон,
Ҳасанхонни тилла тахтга миндириб,
Чиқар бўлди Ваянганда Темирхон.

Ҳасанжоннинг билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб ҳар тарафга кулдирди;
Бобонгнинг олдига чиқайик, деди;
Гавҳар тахтга Ҳасанхонни миндирди.

Чўл титрайди қўнғироқнинг товушига,
Банда кўнар бир худонинг ишига,
Тамошайланг Соқибекнинг ҳийласин,
Отангнинг арвоҳи келди дейишиб,
Хон Ҳасанхонни яхши тахтга миндириб,
Чиқаверди бек Соқининг қошига.

Талатўп бўлибди Ваянган юрти;
Бўлмагай-да одамларнинг қисмати;
Талатўп қип Ваянганнинг элини.
Темирхонман неча доно вазирлар,
Чиқаверди бек Соқининг қошига.

Ҳамманинг қочипти ақлман ҳуши,
Не савдо кўтармас одамнинг боши.
Қўнғироғу карнай-сурнай тортилиб,
Осмонга чиқди қўнғироқнинг товуши.

— Отажоним келиб қолди,— деди-да,
Хушвақт бўлиб Темирхоннинг товуши.

Талатўплар бўлиб Ваянган эли,
Келаётир Ҳасан чопсон олдига;

Хотин-халаж, сулув қизлар йиғилиб,
Чиқаверди бек Соқининг қошига.
Тамошайланг бу фирибнинг ишига,
Одам тўлиб Ваянганнинг дашига.
Қулоқ битди қўнғироқнинг товушига.

Ана энди Ҳасанхонни гавҳар тахтга миндириб, неча
яхши кийимлардан кийгизиб, неча ўзига монанд ба-
чаларни олдига қўйиб, неча карнай-сурнай билан отам-
нинг арвоҳи келди, деб Темирхон подшо неча салтанат
билан чиқяпти бечора.

Ана энди гапни Соқибек билан Ҳасан чопсондан
эшитмоқ даркор. Соқибулбул қараса, Темирхон подшо
келяпти ҳар кўзидан ёшлар тўкилиб, унинг бир меҳри
юз бўлгадигини Соқибулбул билди; Ҳасан чопсонга
айтди:

— Соқолингни тирқиратиб бир ўйнагин. Билдим,
гурунч сув кўтарибди,— деди.

Ана шунда Ҳасан чопсон соқолини ҳар тус қилиб
ўриб қўювди. Ҳасанхоннинг қуралайдай кўзларини,
ойга ўхшаган юзларини, шакардан ширин сўзларини,
ана келаётган Темирхон подшонинг элати ўзларини кў-
риб, бу Ҳасанхонни Ҳасан чопсон жуда яхши кўриб,
авжи келиб, соқолларини ҳар тарафга селдиратиб, ана
энди бир шўхлик қилиб, Соқибулбул соқолни туйиб,
узангги қилиб, Ваянган шаҳрининг одамларига, Ҳасан-
хонга ва фуқароларга қараб айтаётган сўзи:

Тоғда ёвғошиннинг¹ гули,
Тушмасин ҳижроннинг ҳили.
Боболаринг келди бунда,
Қулоқ сонг, Ваянган эли!

Сакраб ўйнагин арвоҳим,
Киштал қип ўйна, подшоҳим!
Биз келдик дўзахдан оша,
Олов ёнса ақлим шоша,

¹ Бир турли ўт.

Подшонинг отаси келди,
Қилинг, барча эл тамоша.

Ўйнагин, ўйнаганингни
Сатта неваралар кўрсин.
Ўйнаган қилиқларингга,
Ваянган шаҳри тан берсин.

Қиздаин қилиқсиб ўйна,
Болаларинг чиқиб келди.
Ҳеч кимга ёмон гапирма,
Катта одамга ҳамма бирдай,
Ҳеч одамзодни урма.

Ўйнагин, ўйинингни Ваянган кўрсин.
Ўйинингга ҳамма одам тан берсин,
Ҳасанхон неваранг кепти олдингга...
Сакраб ўйна, эл ўйинга тан берсин.
Ўйнаганингизни халойиқ кўрсин,
Қизиқ ўйнанг, ҳамма одам жон берсин.

— Ўйна, ўйна,— деди Ҳасан чопсон, бир авжи келиб,
Ҳасанхонни кўриб, бир қўшиқ айтяпти: Ана энди Ҳасан
чопсон «Мен авлиёман», деб кўринг айтаётган сўзини:

Етганда ўзима қазо,
Қиламан элатга сазо,
Авлиё бўп ўзим келдим,
Улимдан бўлдим норизо.
Ҳой-ҳуй ялласи.

Кўрай дедим элгинамни,
Тоғда очилган гулгинамни,
Ўзим жони дилгинамни,
Темирхондай улгинамни,
От чопилган чўлгинамни.
Ҳой-ҳуй, оллоҳим.

Е, карим, халлоқ ҳей
Ўзинг раҳм айла, раҳм айла!
Аввалида ўзим ўлдим,
Шу вақтларда шундай бўлдим.
Авлиё бўп, одам бўлиб,

Салтанатман яна келдим.
Эгам, шайдулло-шайдулло,
Пирим, шайдулло-шайдулло,
Ҳой-ҳуй, ялласи,
Бошмоқлайди калласи...

Кўнглингдаги ҳованг келди,
Дардгинангга давонг келди,
Назр-ниёз олиб келгин,
Улган подшо бобонг келди.

Санаб кўргин оёғимни...
Тамошайла таёғимни.
Ўяйинми қовоғимни?
Ҳой-ҳуй, оллоҳим,
Назирингни опкелавер!

Пича авжи келиб-кетди,
Соқолларни тирқиратди,
Товушларин гуркиратди;
Кўнғироқни янғиратди,
Баракалла, Ҳасан чопсон,
Соқининг айтганин қилиб,
Шунча қўшиқлар айтди.

Жулларини ялпиллатди;
Соқолларин селпиллатди.
Ҳасаннинг ўйнаганига
Одам битган йиғилишиб,
Кула-кула ичи қотди.
Бир неча бўғоз хотинлар
Кулишиб ўзидан кетди.

— Отангман,— деб Ҳасан чопсон,
Темирхон олдиға етди.
Ҳамма одамлар кулишди,
Баракалла, бобомиз деб,
Темирхонман Ҳасан чопсон
Хўп яхшилашиб кўришди.
— Кўрдим, ўғлим, шаҳарингни,
Опкелгин ҳарна борингни!
Сен фотиҳа ўқимадинг,
Ўлдириб кетай барингни!

Қари, мўсафидинг ўлсин,
Еш бачалар уйда қолсин;
Авлиё бўп отанг келди,
Шаҳарларинг обод бўлсин!
Топганингни опкелавер,
Отанг сендан ризо бўлсин!

Элатингни едираман,
Қовоғингни уйдираман,
Назр-ниёз берсангизлар,
Тоза тўнлар кийдираман.
Аччигимни келтирсанглар,
Ўтни ёқиб ҳаммангизни
Битта қўймай куйдираман.

Уч юзга кирганинг ўлсин!
Еш бачалар уйда қолсин!
Арвоҳ рози—худо рози,
Мендай арвоҳ дуо қилсин.
Дуоси мустажоб бўлсин!
Назр-ниёз олиб кенглар,
Мендаин авлиё-арвоҳ
Ҳаммангиздан рози бўлсин!
Халлоқ-эй, мавлон-эй, жавлон-эй,
Худоё, раҳм айла ҳамма банданга.

Ана энди ҳамма элат, катта бобонинг оёғига қара, қайқайган таёғига қара... деб, эл битганинг юраги ёрилиб, кула-кула ичлари куйиб кетиб, «авлиё бобомиз кепти», дейишди, Ҳасанхоннинг ойдаи юзларини кўриб, ҳар бир айтган сўзларини кўриб. Ҳар ўйнайди Ҳасан чопсон, ҳар ўйнайди; бир завқи кепти. Энди Соқибулбул қўйгин деса ҳам қўймайди. Ҳамма элат, «авлиё бобомиз кепти, тирилган» деб, «манави минган жони эмиш» деб, ҳамма хушвақт бўп, «ўлган катта бобомиз тирилиб келиб қолган», деди. Ана энди Темирхон подшо авжи келиб, «отасига» қараб, бир сўз айтаяпти:

Отам келиб кўрди яна шаҳримни,
Авлиё бўп келиб очди баҳримни.
Улиб отажонгинамнинг келганига,
Инобат қинг Ваянгандай шаҳримни!

Бераверинг қатордаги норимни,
Нор устига юклаб беринг заримни.
Отажоним тирилиб келганига
Харажат қинг менинг ҳарна боримни.

Шукр кўрдим отажоним бўйини,
Охир айтар кўнглидаги ўйини;
Отажоним тирилиб келганига
Қилинглар, ёронлар, кўп вақт тўйини.

Сарғаймасин тирик одамнинг юзи,
Жовдирамагай-да ҳеч кимнинг кўзи.
Худойилар, кўп нарсалар беринг,
Отамнинг арвоҳи бўлсин-да рози.

Хафа бўлсам, ёш оқади кўзимдан,
Онг опкелсам кўлда юрган ғозимдан,
Кўп нарсалар, кўп ҳадя қилинг,
Отажоним рози бўлсин ўзимдан.

Чин сидқи дил баринг хизмат қилинглар,
Нима деса айтганида бўлинглар!
Отажоним бўлсин ўзимдан рози,
Ҳар нима топгани олиб келинглар!

Олиб келиб этагига солинглар,
Йиғилишиб Ваянганнинг одами,
Отажонгинамни рози қилинглар!

Отам келди, элатнинг вақти хушди,
Ғонғирлатиб келди Ваянган даштди.
Бунда турган элатимнинг одами,
Ҳамманг қилаверинг худойи ошди.
Ош кўп бўлса отамнинг вақти хушди(р);
Отажоним бўлса менадан норизо,
Арвоҳ қаттиқ берар ёмон ташвишди.

Еппа турган Ваянганнинг одами,
Гўжа демай, ёрма демай ҳаммангиз,
Ота қари, опкенг атала ошди.

Отажоним келиб қолди элима,
Раҳм айласа ғамгузорим ҳолима,

Хизмат қилиб бежой вақтин хуш қилинг,
Дуо олай Ҳасанжондай улима.

Отажоним қулоқ солса сўзима,
Раҳм айласа дуогўйим ўзима,
Бежой вақтин хушлаб, қорини тўқ қилинг,
Дуо қилсин Ҳасанжондай қўзима!

Очилган совурда тоғда лолама,
Уйнаб кепти Ваянгандай далама.
Йиғилишинг жами турган халойиқ,
Дуо қилсин Ҳасандайин болама.

Илоё тарафнинг қўли бойлансин,
Турна кўнса тиниқ сувлар лойлансин.
Ҳамманг чопқиллашиб хизмат қилинглар,
Давлатгинам отажондан айлансин.

Отамнинг қилиғи элга ёқипти,
Хафа бўлган кўздан ёшин тўкипти.
Улиб туриб авлиё бўп отамиз,
Қилган иши худойимга ёқипти.

Иши ёқиб минг кўнғироқ тақипти,
Бунда турган Ваянганнинг одами,
Томоша қинг отамнинг соқолларин,
Минг кўнғироқ яратгани тақипти.
Ишни яхши қилса шундай экан-да,
Тупроқнинг ичидан отам чиқипти.

Отажоним, кеп қолибсиз элима,
Бўзлаб чиқдим ўзим сувсиз чўлима.
Бунда турган Ваянганнинг одами,
Дуо қилсин Ҳасандайин улима!

Белима тақилган шоли пўтамман!¹
Чини билан хизмат қилинг, халойиқ,
Дуо онглари вали бўлган отамдан.

Отам хабар опти хонадонимдан,
Туз ер бўпти тағина маконимдан,

¹ Пўтам билан.

Хотин-халаж, бола-чақа — ҳаммангиз,
Дуо онглари энди отажонимдан.

Ана энди шуйтиб, подшонинг айтганини қилиб, ҳам-
ма одам чопиб, чопқилашиб, уйига овқатга кетди. Улар
овқатга кетаверсин, гапни Соқибулбулдан эшитмоқ
даркор. Ана Соқибулбул билди: анқовроқ эл экан; шу
Ҳасан чопсонни арвоҳ деб қолди. Соқибулбул Ҳасан-
жонга томондан қараб амаллаштириб, Темирхон под-
шога қараб, бир сўз айтаяпти:

Жонимни жонига айладим қурбон,
Ҳамма ҳам ёлғончи дунёга меҳмон.
Дуо олсин энди бобожонидан,
Бобосин бўйнига минсин Ҳасанжон.

Бобожонининг бўйнига минсин,
Не иш бўлса, энди шу ишга кўнсин.
Авлиё бобосидан дуолар олиб,
Ҳасанжон ҳам дуруст одам бўп қолсин.
Миндириглар бобосининг бўйнига,
Ҳасанжон ҳам авлиё бўлиб қолсин.

Еш бачани кўндириглар,
Гавҳар тахтдан эндириглар.
Вали бўлсин невараси,
Бобосининг елкасига
Норвон қўйиб миндириглар.
Нима деса у ҳам десин!
Берган нарсасини есин!
Бобосин бўйнига миниб,
Бобосидан дуо олсин!
Жирканмасин бобосидан,
Уйнаб-кулиб салом бериб,
Отасин олдига келсин!
Айтганимни дарров қилиб,
Бобосидан дуо олсин!
Ҳасан вали бўлиб қолсин!
Ваянган элнинг одами,
Ҳаммаси наф олиб қолсин!
Худоё, айтганим келсин,
Дуомиз энди эм бўлсин!

Олиб кенглар Ҳасанжонни,
Бирор нарса бўлиб қолсин!

Тағи қўрқмасин, пусмасин,
Уйнаб-кулиб салом бериб,
Бобосиман бирга бўлсин,
Бобосидан дуо олсин!
Вали бўлсин Ҳасан йўлбарс!
Бобосидан дуо олиб,
Бу ҳам вали бўлиб қолсин!

Гоҳ ундали, гоҳ бундали,
Чап энида у ўтирсин,
Бирор нарса бўлиб қолсин!
Зинҳор айтганимни қилсин!
Сўнгги пушмон наф қилмайди,
Зиёрат қип катта отасин,
Дуруст одам бўлиб қолсин.

Аросатни даф қилмайди,
Гапирмаса гап бўлмайди.
Гап деганинг шунқор қушди (р),
Аччиғи қаттиқ келган сўнг,
Сўнгги пушмон наф қилмайди.
Келиб минсин бобосига,
Дуо олмаса наф қилмайди.
Ҳар ранг калапўш бошига,
Ўзи Ваянган даш(т)ига,
Мен ҳам авлиё бўлай деб,
Уйнаб-кулиб Ҳасан йўлбарс
Келди бобосин қошига.

Билмаганин Ҳасанхоннинг билдирди,
Хушвақт қилиб ҳар алвонда кулдирди.
Зиёрат қип Ҳасан чопсон бобоси
Бўйнига неварам деб миндирди.

Бадавлатнинг бўлади экан ҳаваси,
Сира йўқдир бу ўлимнинг давоси.
Фарзандим деб пешоналарин силаб,
Бўйнига миндириб ҳангома қилиб,
Ҳой балли, Ҳасан чопсон бобоси.

Соқолини тирқиратиб ташлади;

Ваянган элининг вақтин хушлади.
Қошин қоқиб, лабин тишлаб фирибгар,
Оёғини онда-сонда ташлади.

Ана энди Ҳасан чопсон минг қўнғироқни ҳар ранг ял-
тиратиб, соқолини учта-учта ўриб, ҳар ранг қилиб, Ваян-
ган шаҳрининг қизу жувонини, қутби замонини, ҳамма
катта-кичиси, подшонинг амалдорлари йиғилиб, ҳар ёқ-
дан юз товоқ, икки юз товоқ ош келаверди. Ана энди
Ҳасан чопсонни ҳеч тўйдиролмай, Соқибулбул Ҳасан чоп-
сонни мақтаб таъриф қилиб, бир сўз айтаяпти.

Уруш куни келар эди қаҳари,
Саксон ҳўкиз гўшти бўлмас наҳори;
Ҳар изига кетар пангсари баҳори,
Томошага келди элдан бир неча,
Воғирлашиб кулишади кўп бача.
Уч юз тўнлик бўз бўлмайди калтача,
Ҳасанхоннинг ўзи эди шум бача.

Бежой баланд шу чопсоннинг димоғи,
Ҳар замонда уйилади қовоғи,
Тўқсон қўйнинг терисидан тумоғи,
Кичкина бош Соқибекнинг полвони.

Айтаверсам адо бўлмас қиссаси,
Шундан чиқар Ҳасанхоннинг мазаси,
Ўттиз забаравдан бўлган ҳассаси,
Ўн беш тўнлик бўздан бўлган киссаси,
Соқоли йўқ, ўзи одам кўсаси.
Ҳув деса кетади юракнинг чери,
Қишининг куни ётар тоғларнинг қори.
Етмиш гўсам¹ терисидан чолвори...

Ана энди Ҳасан чопсон Ҳасанхонни бўйнига миндириб,
димоғи чоғланиб, Темирхон подшога қараб, бир сўз ай-
таяпти:

Бир куни кетаман катта элима,
Булбуллар қўнади боғда гулима;
Чини билан вали бўлсин чироғим,
Дуо қилай Ҳасанхондай улима.

¹ Жуни қирқилмаган 10—12 яшар серка.

Одам бўп қолипти Ҳасан фарзандим,
Фарзанд экан бу дунёда қанотим,
Бир дуо айлайин чироққинама,
Подшо бўлсин Ҳасанжондай фарзандим!

Шу вақтларда койиш кўрган вақтига,
Улик ҳам ҳеч тирилиб келарми?!
Қойил бўлдим неварамнинг бахтига,
Миндиарман Гўрўглининг тахтига.

Дуо қилдим ёлғиз ўглим ҳолига,
Келиб қолдим одамларнинг мўлига.
Умри узоқ бўлсин Ҳасанжонимни,
Подшо бўлсин Гўрўглининг элига.

Остида тулпор от ўйнар ҳар алвон,
Ҳеч иш бўлмас оллоҳимдан бефармон,
Умри узоқ, эмди боври берк бўлгай,
Назаркарда подшо бўлсин Ҳасанжон.

Ана энди Темирхон подшо миннатдорчилик қилиб,
тахтига олиб бориб миндириб, Ҳасанхон билан Соқибул-
булнинг вақтини хушлаб, шунча товоқларга овқатни чош-
лаб ҳеч тўйдиролмади. «Отам оч қолган экан», деб тобо-
ра овқатни мўллаб, бежойин кўп вақтини хушлади. Ҳеч
бундайин кўп овқатни кўргани йўқ эди. Ҳасан чопсон
нимкала соз қорни тўяй деб, Соқибулбулга:

— Ана мен Ҳасанхонни опкетаман,— деди. Соқибул-
бул айтди:

— Уят бўлади, туз едик. Бундай қулай келади ё кел-
майди. Бир кун туз еган жойга қирқ кун салом деган
экан. Туз еган жойга ҳарамзадалиқ қилсақ, эрнинг иши
эмас. Бизлар ҳам бу ерга одамсиб, бир одамни подшо кў-
тариб, талтайиб келиб ўтирган одаммиз. Ҳарна иш бўлса,
«оқсоқнинг охирини кўр», деган ота-бобомиздан қолган
бир гап бор: ҳар гап бўлса, бардош қил, э, не тусдан қў-
ниш берар экан? Шошма, булардан охири маза чиқади-
ганга ўхшайди,— деди.

Ана шунинг билан Ҳасан бобо ҳой-хуй деб бир ашула
айтаётганини кўринг, Ҳасанхонни кўриб, бўйнига мин-
дириб, авжи келиб, соқолларини тирқиратиб, товушлар-
ини гурқиратиб айтаётган сўзи:

Кўп йил бўлди ўзим ўлдим,
Тупроқ ичига кўмилдим;
Худойима ўзим ёқиб,
Шуйтиб қўнғироқ тақиб келдим.

Соқибек кула-кула ичлари қотиб кетди.

Одамларга қошим қоқдим,
Душманнинг қонини тўқдим.
Яратган эгама ёқдим,
Яхши хизматларни қилдим.
Бир ўзидан қўнғироқ тақдим;
Ана ўзим, мана ўзим,
Ҳой-хуй, худоё.

Темирхон подшо: «Отам илгари вазмин киши эди,
ўлиб туриб, шўх бўлиб, уяти кетиб, чақ-чақнамо яхши
одам бўлиб келипти»,— деди. Ҳасан чопсон ўйнамоқ би-
лан, ҳамма кулмоқ билан,— деди. Ҳеч одамлар, хотин-
халаж, бола-чақалар, катта бобомиз шундай авлиё
бўлиб келипти деб, ўлгандан бери овқат еган йўқ; қорни
очқиб қолди деб, юз товоқ; икки юз товоқ, уч юз товоқ
ош опкелиб бераяпти. Опкелганини худди икки қўли би-
лан оғзига ёнғоқ юмалатгандай еяпти, жуда қаттиқ оч
қолган эканман деб, бөр топганини пудалаб¹ еяпти.

Ана энди булар Ваянган шаҳрининг одамлари мўри
малахдай² бўлиб, Темирхон подшо тахтининг тевараги
одамга тўлиб кетди; худди чигирткадай бўлиб қимирлаб
кетди. Томларнинг усти, дарахтларнинг боши худди қор
ёққандай одам тутиб кетди. Ана энди булар ўз завқи-шав-
қида тураверсин. Ваянганнинг одами Ҳасанжонни чап
эйнига миндириб, Соқибулбулни ўнг эйнига миндириб,
булар шу ерда беғам бўлиб тураверди.

Энди гапни Темирхон подшонинг чўмич қўйиб дубир³
оладиган Сахмонидан эшитмоқ даркор:

Сахмон Темирхон подшога, элга қараб, бир сўз айта-
япти:

Қуйруқ тўғраганлар ейди жиззиқди,
Бу узунни билдим, кўнгли бузуқди (р).

¹ Бурдалаб, тортқилаб, юлиб-юлқиб.

² Чигиртка.

³ Дубир — от туёғининг товуши.

Темирхон, айрилдинг Хасанжоннигдан
Хамзамот авлиё қилар қизиқди.
Чопилганда отнинг думи сузуқди¹
Чин бедавниинг ўмганлари ёзиқди.
Армонман айрилдинг Ёлғиз болангдан,
Хамзамот кўрарсан, подшо, қизиқди.

Алдаб қўйди, ҳеч иш келмас қўлингдан,
Авлиё бўл хабар олди ҳолингдан.
Ҳали отанг қора кунларни селар,
Темирхон, айрилдинг Ёлғиз улингдан.

Элатнинг вақтини бежой хуш этар,
Тирикликда икки кўзингни ёш этар.
Хамзамот отанг қилади қизиқни,
Хасанжонни зор йиғлатиб опкетар.

Тушиб қўйдим² бу арвоқнинг тилига,
Раҳм этмайди одамзоднинг ҳолига.
Отангнинг кўрарсан томошасини,
Ёлғиз ўғлинг опкетлади элига.

Вулбул гўй торгади борнинг гулига,
Кўп қарадим авлиёнинг ҳолига.
Армонман айрилдинг Хасанжоннигдан,
Олиб кетиб қолар ҳали элига.

Аччиқлакса оқизади ёшингни,
Манглайингдан қочиради ҳушингни,
Арвоқ қилар хамзамот қизиқни,
Аччиқланса кесиб кетар бошингни.

Арвоқман деб кўп ҳийлалар қилибди,
Билгин, Гўрўғлидан жосус бўлибди,
Авлиё-арвоқ қилар ҳангамани,
Ҳийла билан сенинг ақлинг олибди.

Тенгидан кам бўлар марднинг молсизи,
Одамни дам қилар одам тилсизи,
Авлиё бўл кеп Ваянган элига,
Ўзин билсанг Гўрўғлининг жонсизи³.

Подшога етгай хизматкоринг зори,
Хумсага тушмасин бир марднинг ори,
Хамзамот кўрасан тамошасини,
Ҳов анави Гўрўғлининг айёри.

Ҳай аттаиғ, айрилдинг Хасанжоннигдан,
Бел қуввати фарзандингдан айрилдинг.
Уйда ёнган чироғингдан айрилдинг,
Ёлғизгина қароғингдан айрилдинг.

Ҳов ана, кичкина олисдан ўтган,
Бир фаслда Рум, Хитойга етган.
Бунинг ўзи бундай гапни билмайди,
Шу гапларни шу кичкина ўргатган.

Армонман айрилдинг Хасанжоннигдан,
Вой-вой, айрилдинг Хасан кўзингдан,
Тирик арвоқ опкетган сўнг болангни,
Во болам, деб сен кетарсан ўзингдан.

Бу узунни кўриб бўғним бўшади,
Сен куласан, суяқларим шовшади.
Хамзамот арвоқ, қилар ҳангамани,
Хасанхон бир элга кетар ўхшади.

Армонман айрилдинг Ёлғиз болангдан,
Хасанжоннинг меҳрига тўйиб қол,
Хамзамот Хасанхон кетар ўхшади.

Хасанхоннинг Гулчеҳра деган бир синглиси бор эди.
Ой деса оғзи бор эди, куш деса кўзи бор эди. Ҳар гапи-
риб кулганда минг гавҳарлик ноизи бор. Товусдай та-
ралган, беллари буралган, ярашган кийимга ўралган,
сулувлигига ой хира бўлиб, булуғлар пича томоша
қилмадик-да, деб тирра¹ бўлиб, буғча ҳам мақтаб қайта-
миз: сулувлиги жаннатдаги ҳурча бор, тиши оппоқ дур-
ча бор. Энди жуда ҳам кўп мақтамайик, баданлари қи-
мирлаган худди семиз қўйча бор. Ана энди Гулчеҳра
Сахмондам бу гапларни эшитиб, қанча сулув қизлар би-
лан томоша қилиб турувди, бу гап Гулчеҳранинг кўнгли.

¹ От чопганда думи ёшлади,

² Тушундим,

³ Жосус,

¹ Қотиб қолиш маъносида.

га қаттиқ тегди. Гулчеҳра уришиб, Сахмонга қараб бир сўз айтаяпти:

Янги топдим дардгинамга давомни,
Қилай деб турибман ўзим ҳавомни,
Оғзингга тош билан тупроқ, кучуквой,
Нега ундай дединг вали бобомни?!

Лақабинг биламан сен ўзинг Дахмон,
Жўхори қўриган отади шахмон,
Қиёматдан авлиё бўп келипти,
Бобомизни ундай дейсан, сен Сахмон.

Ё бўлдингми ўзинг бир баттолга овгал¹,
Айтган сўзим яхши-ёмон бўп тугал;
Ёмонлайсан авлиё бобомизни,
Илоё чириб ўлгин сен Сахмонжон!

Ундай дейсан, аччиқлари келмайми?
Дам чиқарса чўлни туман чолмайми?
Оғзингга поданинг тезаги, Сахмон,
Авлиё отама малол келмайми?!

Аччиқланса элинг нобуд бўлмайми?
Бобомизнинг аччиқлари келмайми?

Элатингдан кўп одамни йиғдирар,
Қаҳри келса кўзларингни ўйдирар,
Авлиёнинг аччиғи келиб қолса,
Ваянганни дуо қилиб куйдирар.

Билгир бўлмай ўла қолгур, шарманда,
Фалокат боссин-да, йўлинг тўсилсин,
Бурда-бурда сенинг гўштинг ўсилсин.
Кўп ичида ёмон гапларни айтдинг,
Билгир бўлмай сенинг бошинг кесилсин.

Очилмайин сенинг ўзинг сўлиб қол,
Шу вақтларда отгинангни олиб қол!
Кўп бемаза айтдинг кўпнинг ичида,
Билгир бўлмай, сен мурдашўй, ўлиб қол!

Бежой айтдинг кўп ичида сўзингни,
Темурхонга қилар эдинг нозингни,
Авлиёни шундай дейсан, мурдашўй.
Бобом ўтга куйдиради ўзингни.

Дўсти душман қилар сени маломат,
Кўп одамга бўлиб қолар қиёмат,
Авлиёнинг аччиғини келтирсанг,
Ваянганнинг эли бўлар харобат.

Бежой айтдинг кўп ичида сўзингни,
Давлатли бўп овлап кўлдан ғозингни.
Авлиё бобомиз худога ёққан,
Авлиё ўлдирар сенинг ўзингни.

Авлиёнинг аччиқлари келмайми,
Арвоҳ битган йиғилишиб келмайми,
Арвоҳ урган ўнгмас эмиш дунёда,
Арвоҳ Ваянганни хароб қилмайми,
Авлиё-арвоҳ ўзингни урмайми?

Отингдан айланай Ҳаннону Маннон,
Дардга дармон берар ҳазрати Луқмон.
Авлиёни бунча қилдинг шарманда,
Арвоҳ урган бўлар ер билан яқсон.

Ана энди Ҳасан чопсон қочмоқчи бўлиб ўтирувди,
Соқибулбул ҳам қўрқиб қолувди, Гулчеҳранинг гапидан
наф олиб, Соқибек Сахмонга қараб, бир сўз айтаяпти:

Ҳар нарса деб иғвогарлик қиларсан,
Сен эслисан, кўп гапларни биларсан.
Авлиё бўп қўнғироқ таққан арвоҳга,
На ҳаддинг бор, буйтиб ҳазил қиларсан?!

Унинг ўзи арвоҳларнинг валиси,
Вали билан қачон бўлувдинг сирдош?!
Сен арвоҳга туҳматингни қиларсан;
Арвоҳ жигарингдан урса, сен Сахмон,
Букилламай сенинг ўзинг ўларсан.
Қутурдингми, сенинг эсинг кетдими?
Арвоҳ билан не деб жанжал қиларсан?!

¹ Домига илиниш маъносида.

Юраман доим оғир тупроққа,
Қайтайин дунёси қурсин бебақо.
Сенинг ўзинг тентак-жинни бўлдингми,
Эсинг кетиб, ҳазиллашдинг арвоҳга.

Яратганим сенинг ақлинг олдим,
Қўнғироққа мяннг гаранг бўлдим,
Ақлинг кетиб ҳазиллашдинг арвоҳга,
Сахмон кучук, сенга бало бўлдимми?

Отни минган неча тоғдан ўтдим,
Боққа кирган олма-беҳи отдим,
Мен ўйласам, сенинг эсинг кетдим,
Қўп ичида валдирайсан сен, тентак,
Ўйлаб турсам, сени арвоҳ туртдимми?

Ана энди бу Соқибулбул билан Ҳасан чопсон эканини
Сахмон билди. Кўза синдирган азиз, сув опкелган хор.
Сахмон шу ишларни билиб айтяпти. Бу ҳийла-баттоллик
кўп ёмон иш экан. Ана билганга ҳийла зўрлик қилди.
Сахмон Темирхон подшога қараб айтаётган сўзи:

Қулоқ солдинг баринг гапга,
Қўнғилингни қўйдилар лофга.
Ишонтирди ҳаммангизни,
Опкетар барингни тоққа.

Ийғлатади ҳаммангизни,
Бериб кетар таммангизни,
Ишмасанг майлингизга,
Бўзлатади ҳаммангизни.

Авлиё қилар ишингни,
Қон қилар сувсиз дашингни,
Ишонмадинглар гапима,
Ҳалзамот вали арвоҳ
Думалатади бошингни.
Хўп бўлсин — ўлдинг деди.

Бузилади хонадонинг,
Чолдевор бўлар маконинг,
Отанг қилади ишингни,
Чамбил кетар Ҳасанжонинг.

Оғзидан қангама сочар,
Тақдир қилган қизни қучар.
Темирхон, тириклайин ўлдинг,
Ўлгинангни олиб қочар.

Қанотгинангдан қайрилдинг,
Жанамой жойдан тойрилдинг
Кўрасан отанг ишини,
Ҳасанжонингдан айрилдинг.

Қулоқ солмадинглар тилга,
Ўрдак қўнар ойдин кўлга,
Арвоҳ, деб баринг ишондинг,
Ўғлинг кетар Чамбилбелга,
Жону кўзингдан айрилдинг.

Ана энди шунча айтди бўлмади-бўлмади. Ҳой, балли
Сахмонга. Темирхон подшо Сахмонга қараб, ҳар кўзи
косадай бўлиб, газаби юзига ўрнаб, бир сўз айтяпти:

Белима -бойладим шולי пўтамни,
Отам вали — элим тутмас мотамни.
Чакки-чукки сандрайсан, Сахмон ит,
Нега ёмонлайсан вали отамни?!

Соп бемеҳр одамларни йиғайми,
Дўнғиллатиб добилимни тўйайми,
Ота мували бўлиб ўйин қилганда,
Кўзларингга қўрғошинлар қуяйми?

Менинг ўзим ширин жонни сотарман,
Мен отама кўп ҳадя этарман.
Ундай чанг сўз айтасан отама,
Ундай десанг, тўпга солиб отарман.
Ваянгандан мен ўзим йўқ этарман.

Қайғу-кулфат ўзим сенга соларман,
Мен подшоман, айтганимни қиларман,
Бемаза гаплардан айтдинг, баччагар,
Олиб бориб сени зиндон қиларман.

Кесиб ташлайинми сенинг бошингни,
Суғуриб олайинми ўттиз тишингни,

Чакки-чукки сандирадинг, кучуквой,
Қилиб қўяйинми сенинг ишингни.

Ҳар тарафга хабарни қилдирайми,
Ичларингни мум қуйиб тўлдирайми.
Бемаза гаплардан айтдинг, сен эшак,
Армон билан ўзингни ўлдирайми?!

Келгин десам, полволарим келмайми,
Гўшгинангни бурда-бурда қилмайми,
Ёмонлайсан сен авлиё отамни,
Аччиқланиб каллангни (мен) олмайми?!
Темирхоннинг ўл дегани ўлмайми?!

Шунда Ҳасан чопсон ҳайвот-ҳашам қилиб, гурунчи
сув кўтарганини билиб, ана шунда гуркираб, банги-ба-
ҳайбат тортиб, аччиқланиб айтаётган сўзи:

Ер остида йўл юраман мен якка,
Қиёматда сайил қилдим чорвоққа;
Энди ўйласам ҳазиллашдинг арвоҳга,
Ўлигингни отайинми фалакка.

Энди ўйласам ёмон айтдинг сўзингни,
Кўп ичида ўйиб ташлай кўзингни.
Ҳазиллашдинг авлиё-арвоҳ билан,
Аввал бошлаб ўлдирайин ўзингни.

Қўнғироқни таққан бир парвардигор,
Куйган одам йиғлаб ёшини тўкар,
Ҳазиллашдинг авлиё-арвоҳ билан
Ростин айтсам, энди ўлдинг баччағар.

Қизил гулсан, энди сўлдинг,
Ўз жонингга жабр қилдинг,
Ўзинг ўпканг ўзинг билан,
Ол ўзинг ўлар бўлдинг.

Болаларинг сағир бўлди,
Хотинларинг бўзлаб қолди,
Арвоҳ билан ҳазиллашдинг,
Энди вақтинг яқин қолди.

Ҳез келди: Ҳасан чопсон бориб осмонга отмоқчи бўл-
ди. Сахмон ҳам кўп баҳодир полвон экан. У ҳам бунинг
авзойини билиб, Сахмон ҳам тараддуд қилди. Шу йиғин-
нинг ўстидан Ҳасан чопсон ирғиб ўтди; Сахмоннинг бо-
риб олдиға етди. Ана энди Темирхон подшо отасининг
олдиға ўтиб, оқсоқоллик қилиб, бир сўз айтди:

Одамлар сиздан норизо бўлмасин,
Дўст-душман бизга таъна қилмасин,
Темирхондай ўғлинг тушди ўртага,
Ҳеч бир одам мендан ўпка қилмасин.

Бу Сахмон бир доно киши, отажон,
Ёмон ўлсин, ҳаргиз эсли ўлмасин.
Эсли ўлиб сўнгман пушмон бўлмасин,
Дўсту душман отангинг арвоҳи —
Ўлдирди, деб эл дилмонда бўлмасин.
Қариндоши билан ўпка қилмасин.

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Ҳар ранг соқолингиз, ота, силайман.
Дўсту душман менга таъна қилмасин,
Шу Сахмоннинг ўлим ўтин тилайман.

Кеп кўрдингиз Ваянганнинг юртини,
Бузиб кетманг унинг иморатини,
Дўсту душман бизни эҳак деб айтар,
Сахмоннинг тилайман ўлим ўтини.

Арвоҳларга ёмон хабар қилдирманг,
Шовқин солиб чўлни туман солдирманг,
Соқолингиздан айланай, отажон,
Даркор бўлар, шу Сахмонни ўлдирманг.

Қулон, карклар сувсиз чўлда ётади,
Ошиқ бўлган доим қонлар ютади,
Бу одам қимматли киши, отажон,
Сахмоннинг гуноҳин ўтсанг қайтади?

Ҳамма одам сўнг бундан кўрқиб кетар,
Бир неча одамлар кўп таъна этар.
Сахмонни отангиз ўлдирди деб,
Ҳамма одам бизга таъналар этар.

Шу Сахмоннинг ўлим ўтин тилайман,
Эсли киши даркор бўлар, отажон.

— Хайр бўлмаса,— деди Темирхонга Соқибулбул,—
Сизнинг гапингизни ташлайми? Ҳасан чопсонга айтди:

— Утинг гуноҳини, ўғлингизга дўсту душман таъна
қилмасин,— деди Соқибулбул. Ана энди Ҳасан чопсон:

— Ҳа, бўлмаса, Темирхон фарзандимнинг ҳурмати,
ўтсам ўтай гуноҳини,— деб «ўғлига» қараб, бир сўз
айтаяпти:

Бемаҳал чироқларини ўчирдим,
Саҳар чоғи карвонимни кўчирдим,
Нима қилай, Ҳасанжоннинг ҳурмати,
Бу Сахмоннинг гуноҳини кечирдим.

Бориб туриб арвоҳларга сўйладим,
Менинг ўзим қиёматни ўйладим,
Нима қилай, Темирхоннинг хотири,
Сахмоннинг гуноҳин озод айладим,

Яхши кўрдим мен Сахмоннинг юзини, -
Хотира кўп, подшо айтар сўзини,
Бо Гулчеҳра неварамнинг ҳурмати,
Озод қилдим мен Сахмоннинг ўзини.

Нима десанг қулоқ солдим тилингда,
Раҳм айладим фарзандларим ҳолига.
Нима қилай, неваралар хотири,
Ўлмай юрсин Ваянгандай элингда.

Қандай қилай валилигим ҳурмати,
Худой таққан кўнғироқнинг ҳурмати.
Гулчеҳражон эркалайди олдимда,
Ҳасанхон бобо деб минган бўйнима.

Бу Сахмоннинг гуноҳини мен ўтдим,
Нима қилай, учовингнинг ҳурмати,
Манави турган қора кўзнинг хотири,
Хушвақтчилик бўлсин Ваянган юртда.

Ҳеч одам қолмасин қайғу-ҳасратда,
Сахмоннинг гуноҳин озод айладим,

Хушвақтчилик бўлсин Ваянган юртда,
Ҳамманинг гуноҳин ўтдим, фарзандим.

Ана энди гапни Сахмондан эшитмоқ даркор. Сахмон:
— Балли, қойил бўлдим, минг билгирлик бир ҳийла
экан, шунча айтдим бўлмади. Тағина бўладиган гапни
айтай, — деди. Сахмон фуқароларга қараб, бир сўз айта-
таяпти:

Ҳар ишларга тайёрларга,
Қойил бўлдим айёрларга,
Кўрарсан ҳангамасини,
Томоша айла икки бирдай айёрни.

Ҳали-чи қарар қизиқди,
Билинглар, кўнгли бузуқди.
Соқолларин селдиратар,
Кўрарсан ҳали қизиқди
Корсонга солар жиззиқди.
Вой-войлатар Темирхонни,
Опкетар Гулчеҳражонни.
Бузар бўлди бу маконни,
Кўрарсан томошасини.
Опкетди Гулчеҳражонни;
Энди эсинг кетар бўлди.
Вақтинг яқин етар бўлди,
Кўрарсан ҳангамасини.
Ҳасанхонман Гулчеҳражон
Чамбилбелга кетар бўлди.
Кўнгиллари жўшиб кетди,
Элнинг ақли чошиб кетди,
Ҳасанхонга ҳамро қилиб,
Гулчеҳрани қўшиб кетди.
Чеҳра қизингдан айрилдинг,
Ҳасан ўғлингдан айрилдинг.

Талатўп бўп қолар бунда,
Одим босар ўнга-сўлда.
Савдо солар бугун тунда,
Уруш бўлар эртан кунда.
Олсанглар энди насиҳат,
Олмасанг подшо бесаҳат.

Эртанданкай¹ кун қиёмат,
Қон тукилар энди бунда.
Гулчеҳражондан айрилдинг,
Елғиз болангдан айрилдинг...
Иккови кетар Чамбилга,
Қувватгинангдан айрилдинг;
Ҳолатгинангдан айрилдинг.

Фуқаронинг кетар ёши,
Сувсиз дашти, кузгун қуши,
Думалар одамнинг боши,
Шудир авлиёнинг иши.
Қон бўлар Ваянган даш(т)и,
Бўлар Рустамнинг савашни,
Бунда келган икки одам,
Орқасида бор кўп киши.
Гулчеҳражондан айрилдинг,
Ҳасан қўзингдан айрилдинг.

Энди ойинг ботар бўлди,
Подшо, йўлинг хатар бўлди.
Одамлар чалкашиб ўлди,
Кўрарсан отанг арвоҳин.
Арвоҳ кароматни қилди,
Икки кўзингдан айрилдинг.
Айрилдинг тоза лолангдан,
Бузилган кулбахонангдан.
Ҳам Ҳасандан, Гулчеҳрадан,
Айрилдинг икки болангдан,
Шунқоргинангдан айрилдинг.

Юрагингда ҳасратингдан,
Учадиган қанотингдан,
Танангдаги қувватингдан,
Қўз равшани фарзандингдан,
Ҳам Гулчеҳрадан, ҳам Ҳасандан,
Тирик айрилдинг фарзандингдан.
Меҳрибонингдан айрилдинг,
Ҳасанжонингдан айрилдинг.

Ҳаммангни ўзи мот этар,
Вақтингни хушлаб шод этар,

¹ Эртадан кейин.

Ҳасанхонман Гулчеҳраой,
Чамбилнинг шаҳрига кетар,
Икки болангдан айрилдинг.

Соқибек Сахмонга қараб:

— Зўрни зўр билади, кўрни кўр билади,— деди.
Ваянган одами кўп тилга тушмагувчи эди.— Ана эн-
ди буни Соқибулбул билар эди. Соқибулбул Сахмонга
қараб, бир сўз айтаяпти:

Қойил бўлдим, Сахмон, чўртта сўзингга,
Ёмон қарамайман сенинг изингга.
Баракалла, мен қойилман, Сахмонжон,
Гапирмасанг, кўп пул берай ўзингга.

Сахмон ошнам, сен далага чиқмагин,
Уруш куни асли қаддинг букмагин,
То ўлгунча ошна бўлдим ўзингман,
Кўп ичида обрўйимни тўкмагин.

Ўзинг билдинг мен ҳам ёзиқли банда,
Иш бошланар эртан кечаси тунда,
Баракалла, сенинг эслилигингга,
Кўп ичида мени қилма шарманда!

Қора кунни яна менга солмагин,
Бундан буёққа энди бундай демагин,
То ўлгунча айтганингни қилайин,
Кўп ичида сен шарманда қилмагин.

Нима десанг айтганингни қилайин,
Бу калламни этагингга солайин,
Темирхонни ишонтирдим, қаддингдан,
Шу хизматни ўзим тиндириб кетсам,
Ўзим сени катта одам қилайин.

Иш битганда, юрак-бағрим эзмагин,
Қатор-қатор кўзимдан ёш тизмагин,
Ҳаммани ўзингдай кўргин, Сахмонжон,
Битган ишни асли ўзинг бузмагин.

Сен отланмай неча тоғдан ошмагин,
Дардли кўнглинг қайнаб-қайнаб жўшмагин,

Иш янги бопга келди, Сахмонжон,
Энди чироққинам, ҳеч гап қўшмагин.

Нима бўлсак, икковимиз бўлганмиз,
Элат билса, бизлар бунда ўлганмиз,
Ихтиёр ўзингда энди, Сахмонжон,
Сабаб билан ваъда қилиб келганмиз.

Ўтиришда майни ичиб маст бўлдим,
Сенинг ёмон кўрганинга қасд бўлдим,
Ихтиёр ўзингда энди, Сахмонжон,
Сенинг билан ҳақ ҳурмати дўст бўлдим.

Тўкмагин, дўстгинам, кўздан ёшимни,
Миямдан қочирма менинг ҳушимни,
Яхши билар яхшиларнинг қадрини,
Элат билиб, кесма менинг бошимни.

Булар авлиё, деб энди сен айтгин,
Улмасанг, Сахмонжон, муродга етгин,
Халойиқ ичида қилма шарманда,
Уйтиб-буйтиб бизни бундан жўнатгин.

Суюнмай қўл муродига етмайди,
Бемаҳал чоғи ғофил бўлиб ётмайди.

Қойил бўлдим сенинг донолигинга,
Билгир одам сўзи ўлган жойларда.
Ҳаргиз бундай гапни асло айтмайди,
Ихтиёр ўзингда энди, Сахмонжон.

Ҳасан чопсон ўйинни ёпди. Ваянган шахрининг одами йиғилишиб, димоғи чоғ бўлиб: «Бизлар ҳам ўлиб туриб, худога ёқиб, шундай қўнғироқ тақсак экан» деб ҳавас қиляпти. «Ҳой, балли, подшо бобомиз, худога ёққанига, баракалла худой қўнғироқ таққанига. Бизлар ҳам худонинг отини сўраб, шундай ишларни қиламиз», деб ҳаммаси ҳавас қиляпти. «Темирхон подшонинг отаси авлиё бўлиб келибди», деб дуварай¹ олисдан кундакунда одам йиғилиб келаяпти. Ҳасан чопсон элдан оп келган овқатни дуварай еб овқат қиляпти. Соқолини

¹ Икки баробар.

селдиратиб ўйнагани ҳеч таърифга тўғри келмади. Сулув қизлар, сулув бачалар, бизлар ҳам минсак экан, деб ҳавас қиляпти. Ваянган шахрининг одами чўртта ияриб кетгудай бўлди. Шунча одамларнинг ақлини урди. Ана энди Сахмон Соқибулбулга қараб «туси яхшидан тўнгилма», деган бир гап бор: кел, замон айланиб шуларга келганга ўхшайди. «Ёмоннинг ўғли бўлгунча, яхшининг қули бўл», деган гап бор, шундай бўйинсунганда тилидан хат олиб, бунинг билан ошна бўлиб қолай. Ўрталикка бир совуқлик гап тушса, айтган билан иш ўрнига келмас. Кел, иш тобга келган паллада бунинг билан ошна бўлиб қолай», деди. Ана энди Сахмон Соқибулбул билан Ҳасан чопсонга қараб бир сўз айтаяпти:

Эр киши аввал гапни айтмайди,
Подшо ишга буюрмай тоғдан ўтмайди,
Ихтиёр ўзингда энди, бек Соқи,
Айтган гапдан мард йигитлар қайтмайди.

Тағин менга ўзинг ёлғон айтмасанг,
Ишингни тиндириб бундан кетмасанг,
Сенинг билан холисдан ошна бўлдик,
Ишинг тингандан кай ҳайт деб кетмасанг.

Сен эслисан, хўп ишондинг сўзима,
Билдим қон тўкилар қуло-тузима,
Тағин сўзлаб бизга ҳийла қилмасанг,
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Ишонимли бўлсин менинг ўзима.

Жонимни жонингга айлаин қурбон,
Уйқум йўқдан менинг отим дер Сахмон.
Бирор нарса аввал бергин ўзима,
Ишонаин ўзим сенинг сўзингга.
Олиб кетма яна мени тобингга,
Баракалла, қўйдим гапни жўбига.
Пул деганинг жондан бўлган, бек Соқи,
Ундан кейин ишонаин гапингга;

Бир нарса бермасанг, шовқин соламан,
Хирпиллатиб сени бўғиб оламан,

Қўнғлим тўлғудайин кўп нарса берсанг,
Бир ўлжангни ўзим икков қиламан.

Ишонтиргин аввал мени, авлиё,
Қайда борсанг, мен биламан изингни.
Сен қуруққа дўст қилмагин ўзимши,
Берарингни аввал бергини, арвоҳлар.

Иш бошламай ишонтиргини ўзимши,
Аввал сендан бирор нарса олмасам,
Сахмон бўлганимдан ўлим лозимдир.
Авлиёнинг хайри кўп бўлади
Авлиёдан нечов бой бўп қолади.
Аввал берарингни кўрсат, Соқижон,
Ҳар ишингни Сахмон осон қилади.

Ана энди Соқибек Ҳасан чопсонга аста шивирлади:
— Юз қўнғироқ билан, бир чангал танга тилла бер,
шунга яраша бир сўз айтиб бер,— деди.

Ҳасан чопсоннинг юз қўнғироқ билан бир чангал
тилла бериб, Сахмонга қараб айтаётган сўзи:

Раззоқ менга амр қилди,
Самадимдан фармон бўлди,
Юз қўнғироқ, кўп танга тилла
Сахмонга ўзинг бергини деб,
Оллоҳимдан амр бўлди.

Сахмон, кел, мана ол,
Бу тиллани киссанга сол...
Қула-қула одамлар ичи қотди,
Авлиё элга ярашди...
Сахмон, дарров кел олдима,
Раззоғим сенга қарашди.

Тагин юзта қўнғироқни,
Кеп олгин арвоҳнинг пулин,
Обод қил Ваянган элни!
Ҳеч одамга билдирмагин
Келган авлиёнинг ҳолни!
Арвоҳлар сенга қарашди,
Олгин авлиёнинг пулин!
Ана абжилвой, мана чаққонтой...

Худоё обрўйли қилгин арвоҳни,
Оқ юзли, обрўйли қилгин, ё карим,
Муродимни ўзинг бергин, илоҳим,
Сафарим бехатар бўлсин, худойим...

Ана энди Соқибулбул лабини тишлади, бир чангал
қизил тиллани ушлади, Ҳасан чопсон: «Суф, бунда
кел»,— деди. Сахмон Темирхон подшо отасининг арво-
ҳи бизга қарашди, деб зиёрат қилиб, Ҳасан чопсоннинг
оёғига йиқилди. Ана бу пул деганинг қандай нарса, бир
теллак тилла билан танга берди Ҳасан чопсон. Ана
авлиё арвоҳ бизга берди, қуллуқ, деб Сахмон тилла-
ларни олди ва Соқибулбулни ҳам зиёрат қилди. Берган
худога ёқипти, деган бир гап бор экан, деди. Сахмонга
юз қўнғироқ тақди. Ана хизматининг кўланкасида
Сахмон ўрталикда бир ўйнади, Ваянган шаҳри йиғили-
шиб, бир томоша қилди. «Баракалло, мартабанга,—
деди. Сахмон ўзи дуруст одам. Ана авлиё-арвоҳ унга
ҳам қўнғироқ берди, ҳам пул берди. Ана энди Сахмон
тирик арвоҳ бўлди. Берди-берди, баракалла», деди. Ана
энди Сахмон олтинни олиб, бу тирик арвоҳ-авлиё бўл-
ди, деб Сахмонга ихлос қилди. Гапни энди Сахмондан
эшитмоқ даркор. Сахмон Темирхон подшога қараб бир
сўз айтапти:

Отангинг арвоҳин хўп сийла, меҳмон!
Ҳеч иш бўлмас подшолардан бефармон.
Ваянган эл қилмасин тағи(н) армон,
Гулчеҳрани бобосига миндилинг,
Яхши сийланг, бу арвоҳни, Темирхон.

Қўнғилда хўп қилсин ҳавосини,
Дардига топсин меҳмон давосини,
Яхши сийланг бу авлиё меҳмонни,
Гулчеҳра ҳам хўп минсин бобосини.

Вали бўлсин, хўп, сўзларни билдилинг,
Душманларнинг юрак-бағрин тилдилинг;
Гулчеҳра ҳам вали бўлсин, Темирхон,
Канизиман бобосига миндилинг!

Гулчеҳрани неча алвон сўзиман,
Не иш бўлса, бўлганига розиман!

Гулчеҳрани бобосига миндиринг,
Миндиринглар Ваянганнинг сатта сулув
қизиман!

Эшитинглар, Ваянган эл, сўзларни,
Нима қилай, тараф босди изларни
Ҳар иш бўлса қайтай энди майлига,
Семиз қизлар вали бўлсин, халойиқ!
Сулув келинчак, сулув қизларни
Миндиринглар бобосининг устига!

Тоққа чиққан кўзи тушар лайлига,
Совуқ тушса кўчиб келар ҳовлига
Вали бўлсин, миндиринглар қизларни,
Миндиринглар авлиёнинг бўйнига!
Шунча айтдим ҳеч ким кўзга илмади
Қайтай энди, не иш қилса майлига!

Қўшиқ айтсин бу қизларнинг аммаси,
Кам-кам бўлар айтган сўзнинг таммаси.
Вали бўлсин, Гулчеҳрани миндиринг,
Кетса кетсин сулувларнинг ҳаммаси!

Узи бергай бу Сахмонга қаноат,
Улган арвоҳ қилар энди шафоат,
Вали бўлсин сулув қизлар бариси,
Ҳамзамот авлиё қилар каромат.

Қон қип кетар Ваянганнинг даш(т)ини,
Тўқиб кетар неча одамнинг ёшини,
Сулув қизлар вали бўлсин, Темирхон,
Кўрарсан шошмасанг отанг ишини.

Гулчеҳрани бобосига миндиринг,
Авлиёга назир беринг, халойиқ,
Отангнинг арвоҳин бериб кўндиринг!
Барақалла, яхши ишлар қилганди,
Отанг ўлиб вали бўлиб келганди,
Миндиринглар сатта сулув қизларни,
Балли, тирик арвоҳ бўп икки йўлбарс келганди!
Халойиқнинг ақлини ўғирлаб олганди,
Ваянгандан одам талаб қилганди,
Вали бўлсин, миндиринглар Чеҳрани!

Шошманглар, арвоҳлар қилар шафоат
Сулув қизлар вали бўлсин бенаҳат!¹
Темирхон, сийла отанг арвоҳини,
Ҳамзамот арвоҳлар қилар қиёмат.

Тамошайланг бек Соқининг ишига,
Кулон юрар занглаб ётган даштига,
Гулчеҳражон сатта сулув қизларман,
Чопиб келди бобосининг қошига.

Билмаганин соп сулувнинг билдирди,
Чўрчиб ўйнаб, кўнгилларин тўлдирди,
Тамошайланг авлиё-арвоҳларни,
Қирқ-элликча сатта сулув қизларни
Ҳасан чопсон орқасига миндирди.

Боши айланмасдай қилиб шу Чопсон,
Ҳар селкиллаб ўйнаб йиғин ичида,
Шу қизларни кула-кула кўндирди.

Қизил гулдай Ҳасан чопсон жайнади,
Одамларга ҳар алвонда сўйлади,
Ҳам Ҳасанни, Гулчеҳрани миндириб,
Оёғини онда-сонда тайлади.
Барақалла, Ҳасан чопсон, Соқибек,
Қирқ-элликча сатта сулув қизларнинг,
Ҳасанхоннинг бежай вақтин хушлади.

Ана энди «барақалла, сулув қизлар билан Гулчеҳра вали бўлди» деб, Темирхон подшо «отам мени ҳам миндириб, вали қилса экан, мен ҳам бир минсам экан» деб, унинг ҳам хаёли кетиб қолди. Ана энди Ҳасан чопсоннинг бадгирлиги тутди. Сахмон булардан олимини олди-да, бўлса бўлмаса қилғилигини қилиб кетади, деб уйига қараб кетди. «Темирхон подшонинг отасининг арвоҳи мени вали қилди», деб. Еган оғиз уялар, деган бир гап бор. Шуйтиб Сахмон уйига бориб ётаверди. Ҳасан чопсон аста айтди:

— Иш таққа келди²,— деди. Соқибек:

— Шошма, ўзим қўшиқ айтаман қулоқдинангга шивирлаб,— деди.

¹ Ниҳоятда, албатта маъносиди.

² Иш тобга келди, пайти келди маъносиди.

Ҳасан чопсон Гиротдан илдам эди. Энди элни хўп кулдириб, чарчатиб, кун номозгар бўлди. Соқибулбул Ҳасан чопсонга қараб, бир сўз айтяпти:

Кетгай энди бу юракларнинг кеги,
Одамни ўртайди ўлимнинг доғи.
Кўмак бўлган Ваянганнинг чарвоғи,
Қўнғироқни шалдиратгин селкиллаб.
Эҳтиёт бўл, Темирхоннинг отасининг арвоҳи!

Ярқилласин энди подшонинг кўзи,
Худоё, сарғайсин тарафнинг юзи!
Уйнагин, арвоҳим, томоша бергин,
Темирхон бўп қолсин сиздан рози.
Устингизда Ҳасанхондай ёлғизи,
Уйна, авлиям, уйна,
Уйна, арвоҳим, уйна!
Хўп томоша қилсин элатнинг ўзи,
Қараб қолсин элатга икки кўзи,
Уйна, авлиям, уйна,
Қочгин, арвоҳим, уйна!

Ишнинг ўзи бопга келди,
Қочмоқликка тобга келди,
Айтаверсам, сўз жуфт бўлди,
Кун пор-пора бўлиб қолди.
Уйинингиз қизиқ бўлди,
Уйна, авлиям, уйна,
Жайна, арвоҳим, жайна!

Тез-тез босгин оёғингни,
Хўп кўрсатдинг таёғингни.
Очиб юргин қовоғингни,
Йўлни ростлагин, авлиям,
Қочавер энди, арвоҳим!

...Йўл юрамиз қуло, сувсиз тузларга,
Тағина устингдан тушиб қолмасин,
Вали, эҳтиёт бўл сулув қизларга!
Қўшиқ айтиб бергин тағи бизларга;
Уйна, авлиям, уйна!

Йўлни ростлагин, арвоҳим,
Куймасин энди димоғим.

Юравер, қочавер!
Излагин энди юртингни,
Энди кўрай ғайратингни,
Танангдаги ҳимматингни,
Кўрсатгин кароматингни!
Йўлни бошлагин, авлиям,
Вақтинг хушлагин, арвоҳим!

Душманнинг қонини тўққин,
Энди Ваянгандан чиққин!
Гўрўғли подшога ёққин,
Худди яшиндай бўп оққин!
Соқолларинг селдиратиб,
Халойиққа қошинг қоққин!
Иш кепқолди энди бопга,
Қоронғи бўлмайин ўзинг,
Шаҳардан далага чиққин!

Боғдан гулни теравергин,
Соқолингни ўрайвергин!
Баракалла, хўп авлиям,
Кароматни қилавергин!
Душманларга не кунларни
Энди ўзинг қилавергин!
Хуфтон бўлмай тараддудни,
Ҳасан чопсон, қилавергин!
Сен тараддудда бўлавергин,
Йўлни ростлаб олавергин!

Ана энди Ҳасан чопсон яшиндай оқиб, эҳтиёт бўлиб шу ишга қарамай, шунча кишига: «Одамларнинг исига чидай олмадим, ҳайт»,— деб шу қочгандан қочди, қизининг гўрига... юлдуз оғандай бўлиб қочаверди Чамбилга қараб. Ҳамма одам анг-манг қилиб, Темирхон подшонинг эллик амалдорининг қизини ҳам олиб қочиб кетди. Ана Ваянган шаҳари ичи-чув, қум-қуют бўлиб қолди. Темирхон подшонинг ҳам қизи кетди, Ҳасанхондай ёлғизи кетди. Майли энди иккови кетса, эллик амалдорнинг ҳам қизи кетди. Ҳой, балли, ўлган арвоҳ бўлиб келиб, шундай каромат қилиб кетди. Вой болам, қизим деб Темирхон подшо ўзидан кетди. Қиёмат бўлгандай бўлиб, Ваянганнинг шаҳри дод деб, ба-

риси мотам тутди. Унга банда ета оладими, ҳайт деб Ҳасан чопсон шаҳардан далага чиқиб кетди. Баракалла, Соқибулбулга Ҳасан чопсон Темирхон подшонинг арвоҳи бўлиб, ана шундай янги кароматни қилиб кетди. Ана шунча кундан бери хушвақт бўлиб юриб эди. Фирриб билан одамнинг иш билгани ҳам яхши экан, ҳайт деб оппа-осонгина олиб кетди. Ана энди Ваянган шаҳрига қиёматдан ёмон бўлиб қолди. Ҳасан чопсон Гўрўғлига бир сўз айтиб, шовқин солиб бораяпти. Ҳамма нима гап бўлди экан деб, Гўрўғлининг ётган лашкарининг от топгани юган топмай, юган топгани от топмай, ит эгасига боқувсиз бўлиб қолди. Жуда талатўп бўлди. Ҳасан чопсон хушвақт бўлиб, Гўрўғлибекка қараб, бир сўз айтаяпти:

Эшит Гўрўғлибек, Чопсон тилини,
Қора қилдим Темирхоннинг ҳолини.
Гўрўғли подшоҳим, бергин суюнчи.
Опкелдим қизиман Ҳасанжондай улини!
Ханнон, Маннон айтар кечаси сўзди,
Тиниқ кўлда фонг ётган турна, фозди(р)
Гўрўғлибек, беринг менга суюнчи,
Олиб келаяпман эликча қизди(ни)!

Арвоҳман деб соқолларим ўраман,
Олдингизда бирор фасл тураман,
Бориб туриб хотини йўқ йигитга
Бу қизларни битта-битта бераман,
Гўрўғли подшоҳим, беринг суюнчи!

Қайтайин, омонат тандаги жонни,
Ёд айлаб йиғладим эгам субҳонни,
Арвоҳ бўп, қизларни миндириб олиб,
Олиб келаяпман Гулчеҳражонни,
Боламлаб, бўзлатдим у Темирхонни
Гўрўғли подшоҳим, беринг суюнчи!

Кўнглим қайнаб-жўшиб келдим,
Душман кўпди, шошиб келдим,
Ҳасанжоннинг қаватига

Гулчеҳраман сулув қизни
Ҳамро қилиб қўшиб келдим.
Қўшни келар даста-даста,
От қўяди чапараста
Ўзим дўнгда, сизлар пастда;
Қочмоқликка ўзим уста,
Подшоҳим, бергин суюнчи!

Уткардим қишу ёзларни,
Қиламан сизга нозларни,
Аҳмадбек, бергин суюнчи,
Опкелдим сулув қизларни.

Қароматни қилиб келдим,
Ўзим вали бўлиб келдим.
Ваянганда бўлдим вали,
Ўз ишима, ҳой балли,
Арвоҳ бўлиб ўйин бердим,
Орқамизда одам йўқди,
Бўп келдим душмандан холи,
Суюнчини кўп бер бизга!

Бандалари мулойимди
Қучоқламоққа қойимди.
Сўлқиллатиб олиб келдим
Сап бўтакўз ойимди,
Халойиқ, беринг суюнчи.

Ваянган элни бўзлатдим,
Ваянганда қўшиқ айтдим,
Улган арвоҳман деб ўзим,
Ун беш яшар сулув қиздан
Шуйтибгина олиб қайтдим.

Ана энди Гўрўғлибек Ҳасан чопсондан, Соқибулбулдан рози бўлиб, ҳамма одамлар йиғилиб келиб, Гулчеҳрани, Ҳасанхонни кўриб, сулувлигига бари маст бўлиб, димоғи чоғ бўлиб, Ҳасан чопсонга қараб, бир сўз айтаяпти:

Чамбилдаги Гўрўғлининг ўзиман,
Туркман юртнинг овозада нозиман,

Баракалла, қойил бўлдим, бек Соқи,
Мен берган тузима сенга розиман.

Урушда Гиркўк от ўйнар юз алвон,
Эгнимда қимирлар карк тери қалқон,
Рози бўлдим сенга берган тўнима,
Гапгинанг дардима дармон, Соқижон.

Келувдим ўзим Ваянган жойга,
Уруш куни минсам Гиркўкдай тойга,
Баракалла, қилиб келган ишинга,
Рози бўлдим сенга берган сарпойга.

Ана энди ҳамма йиғилиб, Гулчеҳранинг ўзини, эл-
лик сулув қизини, ойдаи тинжираганини¹ кўриб, ҳар
қайси минг одамча бўлиб қетди. Гапни Ҳасан чопсонга
Гўрўғлибек айтди:

— Ёвгарчилик бўлса, ё катта шаҳарда бўл, ё бир
баланд тоғда бўл, деган экан. Сен шуларни тоғнинг
устига олиб чиқиб, Соқибек икковинг, нима егиси келса,
пишириб бериб, вақтини хушланглар, димоғини чоғланг-
лар. Ана энди шуларга қоровуллик қил.

Ҳасан чопсон билан Соқибек:

— Қуллуқ,— деди.

Булар бу ерда тураверсин. Энди гапни Ваянгандан
эшитмоқ даркор.

Темирхон подшо хуфтонда ўзига келиб, бечора зор-
зор чун абри навбаҳор йиғлаб, дод деб, бир сўз айта-
япти:

Ҳай аттанг, билганимдан қолмадим,
Мен Сахмоннинг насиҳатин олмадим.
Ҳийлагарлар келган экан элима,
Во дарифо, каллаларин олмадим,
Ҳам қизимдан, ҳам ўғлимдан айрилдим.

Дарвозаларима қулфни солмадим,
Билонғичнинг насиҳатин олмадим,

¹ Ярқираган маъносиди.

Икковини зиндонларга солмадим,
Элга келганида банди қилмадим,
Ой Гулчеҳраман Ҳасанжондан айрилдим.

Талатўплар бўлиб ўсган юртимдан,
Душман келган экан менинг кетимдан,
Армонман айрилдим икки фарзандимдан,
Ёниб турган чироғимдан айрилдим,
Ҳам қизимдан, ҳам ўғлимдан айрилдим.

Еш тўкилар ингрансам кўзимдан,
Нечов қувват олар эди сўзимдан,
Вой аттанг, айрилдим Чеҳра қизимдан,
Ҳасанжондай фарзандимдан айрилдим.

Во бузилган Ваянгандай элимдан,
Ким хабар олади менинг ҳолимдан?!
Ҳеч ким фойда топмас айтган тилимдан,
Во айрилдим қувватгина ўғлимдан,
Кўнгил хуши Чеҳражондан айрилдим.

Тоғдай эшд бўлиб кетган дард билан,
Энди айрилдим Ваянгандай юртимдан,
Аттанг, айрилдим икки фарзандимдан,
Ҳам қизимдан, ҳам Ҳасандан айрилдим.

Ҳазон бўлган боғда гул хирмонимдан,
Хабар олармикан бу маконимдан.
Мен айрилдим Гулчеҳрадай жонимдан,
Ҳам қизимдан, ҳам ўғлимдан айрилдим.

Куйиб кетдим, мияларим қайнади,
От юрганда йўл тупроғи майдади (р).
Гулчеҳраман энди Ҳасанжонимни
Ҳай аттанг, энди кўрмоқ қайдади (р)?

Бел қуввати икки боламдан айрилдим,
Кўз равшани жони дилдан айрилдим;
Қўлимдаги қарчиғойдан айрилдим,
Дардга дармон кўзи жонимдан айрилдим,
Ота дерга Гулчеҳрамдан айрилдим.

Фарзанддан айрилса юрак куяди,
Камбағаллик одам кўзин ўяди,
Беҳуш бўлиб хон Темирхон йиқилди,
Амалдорлар, энди хизматкорлари
Темирхоннинг келиб бошин суяди.

Куйганидан гапни гапга улайди,
Бир неча одам соқолларин силайди,
Юраклари куйиб кетиб Темирхон,
Во болам, деб майиб нордай йиғлайди.

Талатўп бўп Ваянганнинг юртида,
Ҳасан чопсон душман бўлди ортига.
Сахмоннинг айтганини қилмадинг деб,
Дўсту душман таъна қилди бетига.

Ваянганнинг¹ суяклари шовшади,
Емонларнинг кўнгли қайнаб тошади,
Боласи кетганлар бари йиғилиб,
Бир болам, бири укам,— дейишади.

Ҳар савдо кўтарар банданинг боши,
Чанг бўп кетди энди Ваянган даш(т)и,
Боласи кетганлар йиғилиб келиб,
Болам, деди кўп одамнинг товуши.

Қани-қани деб кўп одам сўзлайди,
Бўта ўлса, жўнг туялар бўзлайди.
Олқор қочса, баланд тоғни кўзлайди,
Боласи кетганлар чувлаб йиғилиб,
Вой болам, деб кўп одамлар бўзлайди.

Кўп бўп кетди Темирхоннинг койиши,
Пориллаб учади кўлларнинг қуши,
Во боврим, деб кўп одамлар бўзлайди,
Вой-вой, деб одамларнинг товуши.

Кўп бўп кетди Ваянганнинг нолиши,
Ўҳ-во деди кўп одамнинг товуши,

Бу гаплар, аттанг, Соқининг иши,
Баттолнинг ишига кўнади киши.

Қиёматдай бўзлаб йиғлайверди ҳаммаси, булар бун-
да йиғлайверсин, энди юртни тузаб юрган одамни об-
келмоқ даркор. Бузув ҳам улдасидан келади, тузув ҳам
улдасидан келади. Энди Сахмонга бормоқ даркор, де-
ди, шуни айтиб келайлик. Сери полвон деган Темирхон-
нинг полвони бор эди.

— Бор, Сахмонни айтиб кел,— деб юборди.

Ҳалиги Сери полвон ночор кетди. Сахмоннинг уйига
етди; Сахмонга бориб айтди:

— Иш айтган ерингдан чиқди. Ана Сери полвон
Сахмонга нима деяр экан, ҳой балли.

Кўп одам қўлига оп болта-табар,
Ёшликда ўқидик ё билан забар;
Айтган ергинангдан чиқди, Сахмонжон,
Сен ётибсан уйгинангда беҳабар.

Кўп бўп қолди хон Темирхоннинг доғи,
Бесойиб бўп қолди шоҳнинг чарвоғи.
Қилиб кетди икки авлиё каромат,
Қўллаб кетди отасининг арвоҳи.

Бўлиб қолди неча одамга қиёмат,
Бериб кетди подшоҳимизга давлат,
Темирхоннинг отасининг арвоҳи
Қилиб кетди авлиё бўп «каромат».

Аввал келиб элнинг вақтин хуш қилди,
Юрганини занглаб ётган дашт қилди,
Темирхоннинг отасининг арвоҳи
Шуйтиб «қўллаб» икки кўзин ёш қилди.

Авлиёни қилиб эдик зиёрат,
Ваянганга яхши қулай иш қилди.
Аввал келиб қилди «яхши шафоат»
Савдо солиб кетди энди бенаҳат.

¹ Ваянганликларнинг.

Сахмонжоним, сен ётибсан уйингда,
Авлиёлар қилиб кетди шафоат,
Олиб кетди Гулчеҳраман Ҳасанни,
Ваянганга бўлиб қолди қиёмат,
Баракалла, «арвоҳман» дейишиб келиб,
Арвоҳ қилиб кетди «яхши» шафоат.

Тўкиб кетди неча одамнинг ёшини,
Авлиёлар қилиб кетди ишини,
Вали деган шундай каромат қилса,
Олиб кетди икки олғир қушини.
Опкелгин деб, сенга мени юборди,
Бориб кўргин авлиёнинг ишини.
Балли, авлиёлар қилди каромат,
Ваянганга бўлиб қолди қиёмат;
Сахмонжон, айтганинг келди:
Темирхоннинг отасининг арвоҳи
Ваянган шаҳрига кўп ишлар солди,
Отасидан подшонинг кўнгли тўлди.
Аввалида хушвақт қилиб ҳаммани,
Авлиёлар «шундай яхши» иш қилди.
Ҳой балли, Сахмонхон айтганинг келди.

Зор йиғлатди Ваянганнинг элини,
Хазон қилди боғда очилган гулини,
Авлиёлар қилиб кетди «шафоат»,
Олиб кетди қизи билан улини.

Бўзлатиб кетди Ваянган элини,
Авлиёлар қилиб кетди каромат.

Бориб кўргин валиларнинг ишини,
Олиб кетди қўлда шунқор қушини.
Ҳасан билан Чеҳрани олиб кетди,
Тўкиб кетди фарзандининг ёшини.
Қилиб кетди одамларнинг ишини.
Боргин, иложин қилгин, Сахмонжон!

Хайр, деди Сахмон(ни) ияриб қайтди,
Темирхон олдига иккови етди.

Темирхонга бориб энди шу Сахмон,
Бориб туриб пандни бериб ўргатди.

Ана энди Сахмон билан Сери полвон иккови (бор-
ди). Сахмон Темирхон подшога қараб, бир сўз айта-
пти.

Айтаверсам ҳой деганим жуфт бўлсин,
Бундан бу ёққа иш бошланиб гап бўлсин.
Айтганинам хўп яхши бўп келдимиз?
Яхши қипти, Темир подшо, хўп бўлсин.

Айтганинам келмадимиз,
Нима деса, демадимиз,
Ула қолгин, Темир подшо,
Отангининг арвоҳи сенга
Меҳр-шафқат қилмадимиз?!

Тентак ўлсин, хўп бўлсин,
Қизил тоғдан ўтмадимиз,
Отанг жонни сотмадимиз,
Яхши кўриб кетмадимиз?

Ҳасанжонман Гулчеҳрани
Чамбилга олиб кетмадимиз?!
Неча тоғдан ўтмадимиз,
Ўл тентак, хўп бўлсин!

Хўп қулоқ солдинг тилига,
Раҳм этмай одам ҳолига,
Ҳасанжонман Гулчеҳражон
Кетди Чамбилнинг элига,
Ўл баччағар, хўп бўлсин.

Бошга савдо солар эдим,
Айтганимни қилганингда
Ўзим бойлаб олар эдим,
Билганимдай қилар эдим,
Ўл баччағар, хўп бўлсин!

Кўнгли қайнаб жўшиб кетди,
Ақллари шошиб кетди,

Узи кетса майлигайди,
Неча сулув париларни
Гулчехрага қўшиб кетди.
Хўп бўлсин, ўл баччағар.

Ана энди дод-фарёд, деган кўп. Темирхон подшо
Сахмонга қараб, бир сўз айтаяпти:

Элатни йиққан кучини,
Ваянганнинг йиг божини,
Сахмонжоним, таъна қилма!
Қилгин ўзинг иложини.

Энди тўғри гап сўзлагин,
Душманнинг гўштин тузлагин.
Ҳасанхонман Гулчеҳрани
Чироғим, ўзинг излагин!
Ўзинг қилгин иложини!

Йиққин элатнинг кучини!
Дарак сол Ваянган элга,
Раҳминг келсин энди ҳолга!
Кўп таъна қилмагин, Сахмонжон,
Юриш қилгин Чамбил элга,
Ўзинг қилгин иложини.

Тўпи тўпхонани ортгин,
Хўкизларга тўп судратгин!
Неча баланд ердан ўтгин,
Ҳар тарафдан лашкар келсин,
Ҳар шаҳарга хат жўнатгин,
Чамбилнинг шаҳрига бориб,
Сен ҳам бир каромат қилиб,
Гулчеҳраман Ҳасанжонни,
Ой Юнусни қўшиб қайтгин.

Уртаб кетди гулдай танин,
Болам, деб юрагим қонди.
Гулчеҳраман хон Ҳасанни
Қўшиб қайтгин Юнусжонди,
Иложини ўзинг қилгин.

Уйиб келгин кўзларини,
Саргайтиргин юзларини.
Чамбилбелдан олиб келгин
Сатта сулув қизларини,
Иложини ўзинг қилгин!

Ана энди Ваянган шаҳридан, ҳар ёқдан одам кела-
верди, бу қандай гап. Узи озгинагина эл, озгинагина
бўлса ҳам созгинагина эл, бу Ваянган шаҳрини ер би-
лан яксон қилиб кетибди, деди. Энди Темирхон подшо
халойиқларга қараб, бир сўз айтаяпти:

Болам десам, ичим ғамга тўлади;
Офтоб тегса очилмай гул сўлади,
Ваянган эл, менга беринг маслаҳат,
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади?

Арвоҳман, деб савдо солди бенаҳат,
Уйланг элат, иш бўп кетди қабоҳат;
Қариндош, маслаҳат қандай бўлади,
Йигилган эл, менга беринг маслаҳат.

Йиғнаб келдим Ваянгандай юртимни,
Олиб кетди бу икки фарзандимни,
Қариндошлар, беринг бизга маслаҳат,
Олиб беринг ўғрилардан лотимни.

Ёвлиқ опбор Ваянгандай элимни
Қора қилиб кетди менинг ҳолимни.
Нонимни еб, кўп пулимни олганлар,
Опкеп беринг тирик кетган ўғлимни.

Обод қинглар тагин менинг элимни,
Чамбил элни бориб, теп-текис қилинг.
Опкеп беринг Гулчеҳраман ўғлимни.
Оғайнилар, беринг менга маслаҳат?

Ваянган шаҳридан ҳамма одам йиғилишиб келиб,
биров уйтамыз деяётир, биров буйтамыз деяётир. Гўр-
ўгли тунагида юрган етим бола эди. Ана дарров шун-
дай ишни қилиб кетаверадими?! Ҳамма эл айтди:

— Бунинг ихтиёрини Сахмонга қўямиз. Яхши бўл-
са ҳам удабурон яхши, ёмон бўлса ҳам удабурон
яхши. Энди Сахмондан нима маслаҳат чиқса, шуни
қиламиз, Сахмон подшонинг ноиб бўлсин,— деди.

Ана энди шунга бари фотиҳа қилди. Сахмон туриб
одамларга қуллуқ қилди ва подшога қараб, бир сўз
айтапти:

Энди сенга қисматди(р),
Кўрарсан энди ғайратти,
Зўрга қойил бўлмоқ даркор,
Ўғлинг билан қизинг кетди.

Ўзбек ҳам кўп элатди(р),
У ҳам подшо авлоди.
Урушмоғинг энди қийин;
Сулув қизман Гулчеҳрани
Хон Ҳасанни олиб кетди.

Сен қилдинг элатдан йиғин,
От тизгинида тугин.
Сатта сулув қизлар кетди,
Энди урушмоқлик қийин.

(Така туркман) хабар қилар,
Тухуми (Ўзбекдан) келар.
Ҳасанхонман Чеҳра кетди,
Азоб еб иккови ўлар,
Энди урушмоқлик қийин.

Икки болагни хотир қилгин,
Яхши одамлардан олгин,
Болаларинг иззат қилиб,
Гўрўғлини айтиб келгин!
Калланг этагига солгин!
Гўрўғлига йиглаб боргин!
Икки болағ азоб кўрмасин,
Чин сидқи дил ошна бўлгин!

Аччиқлансанг одам ўлар,
Гулчеҳраман Ҳасанжонинг
Кетганлар азобда қолар.
Гўрўғлиман яраш қилгин;
Теваракка сўраш қилгин!
Тўнлар ёпиб Гўрўғлига,
Юнусжонни сен қиз қилиб,
Йиғламагин, яраш қилгин.
Ўлмагин, давронлар сурсин,
Олқор баланд тоғда турсин!
Гўрўғлига азоб берма!
Ҳасанжон билан Гулчеҳра
Ҳам Чамбилда, Ваяганда —
Бориб келиб қатнаб юрсин!

Ана энди Сахмон айтди:

— Энди иш қолипдан ўтди. Урушсанг, икки фарзан-
динг азоб кўради. Энди урушар вақти ўтди. Бориб,
ялиниб ёлвориб, Гўрўғли билан ошна бўлиб қўя қол.
Икки фарзандингнинг ҳурмати, лекин ўзи ўр¹ ўзбек,
назаркарда зўр ўзбек.

Ҳамма, шу гап дуруст-дуруст, дейишди. Беклар:

— Подшолар аччиғланиб, фуқарони қиргандан ни-
ма чиқади? Сахмонга балли, бу элга яхши қарашди,—
деди. Ҳамма айтди: «Маъқул сўзга қорув йўқ», деган
экан. Сахмон ошна бўлиб, кўнгил тўқи бор, худоё ур-
дими?! Юз от, юз ҳар турли дастурхон... ғамлатиб, эн-
ди элни ўлдирмай, жонини олиб қолишликнинг тарад-
дудини қилиб, Сахмоннинг Гўрўғли подшонинг олдига
борганини кўрмоқ даркор. Булар бир йигирма-ўттизча
бўлиб Гўрўғлининг олдига жўнайверсин. Энди гапни
Гўрўғлидан эшитмоқ даркор.

Гўрўғлибек, ҳаммаси Ҳасанхонга, Гулчеҳрага кунда
неча яхши гаплардан айтиб димоғини чоғлади. Бу сеп
сулув қизлар, Гулчеҳра айтди:

— Баракалла, бизларни ота-энамиздан яхши тарби-
ят қилар экан. Элига олиб борса, бундан ҳам кўп иззат
кўрамиз экан... Рози бўлдик Гўрўғлидан. Ана энди бу-
ларнинг димоғи чоғ бўлиб, бир кун қўрқиб эди, энди
отасидан ҳам яхши кўрди. Ҳасанхон билан Гулчеҳра,

¹ Ужар.

эллик қиз Ҳасан чопсоннинг ўйинини яхши кўриб, бир меҳри юз бўлиб қолди; Ваянган эли, ота-энаси кўнглидан чиқай деб қолди. Шунча димоғи чор бўлиб қолди.

Ана энди гапни Сахмондан эшитмоқ даркор. Неча тортиқ-торолғилар билан, элликча соп полёонлар билан келиб, Гўрўғлибекка салом бериб, адаб билан турди. Гўрўғлибек буларни кўриб, сипогарлик қилиб, бир сўз айтяпти:

Юрган жойинг Ваянгандай эл бўлсин,
Келган жойинг сувсиз ётган чўл бўлсин!
Жосусликка фириб билан келдингми,
Ҳийлакор меҳмонлар, сенга йўл бўлсин?
Сўзлаганда болдан тотли тил бўлсин,
Энди сенга қиёмат, йўл мўл бўлсин!
Неча бадкирликман бунда келдингми,
Сатта бирдай бадбахт меҳмон, йўл бўлсин?..

Тараф деган шундай бўлиб келами,
Душманман келиб сирдош бўлами,
Узушли, калтали меҳмон, йўл бўлсин?
Тараф бўлиб шундай бўлиб келами,
Сир билгич меҳмонлар, сенга йўл бўлсин?

Меҳмонига яхши одам демайди!¹
Ёмонлик соғингим энди келмайди.
Сатта бирдай меҳмонларим, йўл бўлсин,
Сен меҳмонсан, бир иш қилгим келмайди.
Йўл бўлсин, салтанатли меҳмонжон.

Дилозорлик қилсам, уят иш бўлар,
Юрган жойим доим сувсиз дашт бўлар.
Сен меҳмонсан, кепсан менинг қошим,
Азоб берсам, энди уят иш бўлар,
Баракатли сатта меҳмон, йўл бўлсин?

Сахмон асли ўзи қилган ишидан димоғи чор эди. Гўрўғли подшога қараб турган туркман, ўзбек сардорларга қараб, оғзини сўзга қўйиб, Сахмон бир сўз айтяпти:

¹ Меҳмонига яхши одам ёмон сўз айтмайди, демоқчи.

Ассалом алайкум, турган подшоҳим,
Бизлар келдик сизман ошна бўлгани,
Қалламизни этагингга солгани,
Чин сидқи дил сизга хизмат қилгани.

Кўп хизматни қилган эдим,
Кўп ўқиган муллалардан
Ўзим сабоқ олган эдим.
Келар-кетар гапни ўзим
Ҳаммасини билган эдим.

Иқрор бўлиб келдик сизга,
Илиқ жавоб беринг бизга;
Тортиқлар опкелдик сизга,
Ёмон гап айтмангиз бизга!
Биз ошна бўлгани келдик,
Хизматлар қилгани келдик.

Подшоҳман маслаҳат қилиб,
Шунча от-анжомни олиб,
Юракдан кекни кеткариб;
Ваянгандан одам йиғиб,
Ҳаммамиз маслаҳат қилиб,
Биз ошна бўлгани келдик,
Хизматлар қилгани келдик.

Подшомизнинг юраги қон,
Ҳамма одам бўлди сарсон;
Айтганини қилай, деди,
Юборди сизга Темирхон,
Хизматкор бўлгани келдим,
Ихлослар қилгани келдим.

Чамбилбелга боргин, деди,
Гўрўғлини кўргин, деди,
Нима деса ошна бўлиб,
Салом қилиб келгин, деди.
Хизматлар қилгани келдим,
Айтгангинангизни қилдим.

Бўлар гапни ўзим айтдим.
Авлиё-арвоҳман, деди.

Атов ўзин одам билан
Соқибек бу айёр, дедим,
Ҳар ишларга тайёр, дедим.
Гулчеҳраман элликча қиз
Шундай имлаб кетавер деб,
Мен аста уйима қайтдим.

Ҳасанхонга Гулчеҳрани,
Улса ўлсин Темирхон, деб,
Бир телпак тиллолар олиб,
Чеҳрани ўзим жўнатдим.

Темирхон менга йиғлади,
Элчи оқсоқолга ўлим йўқ.
Оқсоқолнамодай бўлиб
Олдингизга ўзим етдим.

Улмаи чиқсак қишу ёзга,
Томоша қип Ҳасан чопсон ўйинбозга.
Шунча ишни ўзим қилдим.
Ихтиёринг ўзингизда,
Урушманг подшоҳим бизга.

Ана энди Гўрўғлибек бу сўзни хўп ақида қилиб, ан-
диша сақлаб турди. Соқибулбул Гўрўғлибекка қараб,
муртини бураб, бир сўз айтаяпти:

Ҳасан чопсонга сўйладим,
Минг қўнғироқни бойладим;
Темирхоннинг отаси деб,
Бўйнига миниб чопсонни
Авлиё бўп келди дедим,
Мен Темирхонга сўйладим,

Ўйнатиб Ҳасан чопсонни,
Элатга томоша бериб,
Яхши ҳангомалар қилиб,
Ишонтириб Ваянганни,
Йиғиб хотин-халажини,
Бола-чақа, ҳаммаларин,

Ўзимни авлиё қилиб,
Бежойин кўплар ўйнадим,
Нима бўлса бўлди, деди.

Темирхон подшо ишониб,
Қиёматдан отам авлиё бўлиб келди.
Ҳар иш бўлса бўлди, деди.
Ишонтирдим эл-элатни,
Эй, Темирхон отажоним,
Вали бўлиб келди, деди.
Нима бўлса бўлди, деди.

Эл ёприлиб одам келди;
Қўшиқ айтиб Ҳасан чопсон,
Ҳар тусли гаплардан айтиб,
Ҳасан чопсон ўйин қилди,
Авлиё мен ҳам бўлай деб,
Ойдаи балқиб хон Ҳасанжон
Бобом деди, миниб олди.

Билгир экан келган Сахмон,
Ҳамма гапни айта солди.
Кўп ялиндим шу Сахмонга,
Айтган гаплари бари рост.
Яхшиликни Сахмон қилди.
Гулчеҳрани миндиргин деб,
Бу ҳам вали бўп қолсин деб;
Ишга сабаб Сахмон бўлди.

Майларни ичиб маст бўлдик;
Доим тарафга қасд бўлдик;

Бу иложни тополмайин
Сахмонман бизлар дўст бўлдик.
Бу ишлар Сахмондан бўлди,
Сахмон кўп яхшилиқ қилди.
Сахмон биз билан дўст бўлган,
Ҳеч ўпкамиз қолмади,
Яна шуйтиб етиб келди.

Чамбил элда ғози бўлдим,
Хангоманинг сози бўлдим.
Кўп эсли экан шу Сахмон,
Шу Сахмондан рози бўлдим.
Қавишида йўқди пошна,
Сахмон бизлар билан ошна.

Ана энди Гўрўғлибек Сахмонга сарпо бериб, амал бергани, Темирхон подшо билан ярашиб, Гўрўғлининг бориш-келиш қилгани, Чамбил шаҳридан Райхон арабга бориб, Чамбил бе эга қолди, деб айтгани, Райхон араб келиб, Чамбилни тошдай қамагани.

Темирхон подшо Гулчехра билан Ҳасанхоннинг иложини қилолмай, ёппа-ёвлик Гўрўғлининг олдига келиб, бор сарпо, тўнлар ёпиб, Гўрўғлибек билан ошна бўлди. Ана энди булар тўй-томоша қилиб, вақтини хушлаб ётаверсин.